БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 160 (16.850). | 12 июль 1977 йил, сешанба | Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

РЕСПУБЛИКА МАККАЖЎХОРИКОРЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети таъкидлайдики, шу йил 15, 22 июнда ва 3 июлда «Сельская жизнь» газетасида Чехословакия Социалистик Республикаси, Болгария Халқ Республикаси маккажўхорикорларининг Ўзбекистон ССР ва Краснодар ўлкасида маккажўхоридан мўл ҳосил етиштираётган миришкорларга йўллаган мактублари ҳамда республикадаги илғор бригадаларнинг чехословакиялик дўстларга юборган жавоб мактуби эълон қилинди. Бу эса шундан далолат берадики, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақага қишлоқ меҳнатчиларининг янгидан-янги коллективлари қўшилиб, бу мусобақа муваффақиятли авж олди ва кенг қулоч ёзди, интернационал тус касб этди, совет халқининг социалистик мамлакатлар халқлари билан самарали ва қардошларча ҳамкорлиги, бузилмас дўстлигининг ёрқин намунаси бўлиб хизмат қилади. Улуғ Октябрь ғояларининг конкрет ифодасидир.

Республика партия, совет ва қишлоқ хўжалиги органлари, комсомол ва касаба союз ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ўзбекистонлик ёш маккажўхорикорларга йўллаган машҳур мактубида баён этилган маслаҳатлари ва йўл-йўриқларига амал қилиб ҳамда Қозоистондаги партия хўжалиги активида сўзлаган нутқида ўзбек маккажўхорикорларининг эришган муваффақиятларига юксак баҳо берилганига жавобан маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш вазифаларини бажаришга қишлоқ меҳнат аҳлини сафарбар этиш соҳасида катта ташкилотчилик ишини амалга оширмоқдалар.

Партия ташкилотининг раҳбарлигида республика комсомоли тўрт йилдан буён маккажўхорикор бригадаларни ўз оталигига олган. Ёш маккажўхорикорлар бир неча марта табиатнинг қаттиқ синовларидан шараф билан ўтдилар. Республика хўжаликлари 1976 йилда 690 минг тонна маккажўхори дони етиштирдилар. Бу эса 1972 йилдагига нисбатан етти баравар кўп. Маккажўхори донининг ҳосилдорлиги гектар бошига 31,4 центнердан 61 центнерга етди. Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхозидан Гулбаҳор Нуриллаева, Денов районидаги «Ҳазорбог» совхозидан Неъмат Ражабов, Хўжайли районидаги Ленин номли колхозидан Ширин Юсупова, Фрунзе районидаги Жданов номли совхозидан Мастура Ҳошимова, Қўрғонтепа районидаги «Савай» совхозидан Найни Маматқодиров бошлиқ илғор комсомол-ёшлар бригадалари ва бошқа миришкорлар маккажўхори экилган майдонларнинг ҳар гектаридан мунтазам равишда 100 центнердан ва ундан ошириб маккажўхори дони олмоқдалар.

Тошкент областининг маккажўхорикорлари шу йил баҳорда гектаридан 100 центнердан маккажўхори дони олиш учун ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Қорақалпоғистон ва республикадаги барча областларнинг маккажўхорикорлари уларнинг бу ташаббусидан ибрат олдилар. Ҳозир 1234 комсомол-ёшлар бригадаси гектаридан 100 центнердан маккажўхори ҳосили олиш учун астойдил курашмоқда. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига кўпгина бошқа бригадалар оширилган мажбурият олишмоқда.

Чехословакия ва Болгария пешқадам маккажўхорикорларининг шонли социалистик ташаббуси совет халқига нисбатан юксак қардошлик ҳис-туйғусининг ифодаси ва чинакам интернационализм ифодасидир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилган Венгриядаги Чепель металлургия ва машинасозлик комбинатининг коллективига йўллаган мактубида бу ташаббусга юксак баҳо берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Краснодар ўлкаси, Чехословакия ва Болгария маккажўхорикорларининг мусобақаси совет кишиларининг диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда ва бу Ўзбекистон маккажўхорикорлари, республика касаба союз ва комсомол ташкилотлари, колхоз ва совхозлар раҳбарлари эммасига юбилей йили мажбуриятларини бажариш учун курашда катта масъулият юклайди, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон маккажўхорикорларининг Краснодар ўлкаси, Чехословакия ва Болгария маккажўхорикорлари билан маккажўхори донидан мўл ҳосил етиштириш учун курашда авж олиб кетган мусобақасини ҳамда Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар олган маккажўхорикорлик бригадаларининг ватанпарварлик ташаббусларини мақуллади.

Область ва район партия комитетларига, область ва район комсомол комитетларига, хўжаликларнинг бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари билан раҳбарларига маккажўхорикорлик бригадалари коллективларини Чехословакия, Болгария маккажўхорикорларининг мактублари билан кенг таништириш ва шу асосда ҳосил тўплашнинг якуновчи даврида маккажўхори экини парваришини кучайтириш юзасидан қўшимча тадбирларни белгилаш, олинган мажбуриятларни бажаришда бригадаларга ҳамиша амалий ёрдам кўрсатиш топширилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», «Узсельхозтехника» бирлашмаси, «Узплодоовощвинпром» ва уларнинг жойлардаги органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари эммасига маккажўхори хосилдорлигини ва ялпи дон ҳосилини кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришда маккажўхорикорлик бригадаларининг барча коллективларига имкони борича кўпроқ ёрдам бериш вазифасини юклади.

Андижон область Кўрғонтепа районидаги «Савай» совхозида ташкил этилган илғор тажриба мактабида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Найни Маматқодировнинг тажрибаси ўрганилмоқда. Илғор технологияни ҳамда меҳнатнинг илғор усулларини, пешқадам маккажўхорикорларнинг тажрибасини оммалаштириш ва жорий этиш максадида ана шу мактабдан ибрат олиб маккажўхорикорларнинг доимий ишлайдиган илғор тажриба мактаблари қуйидаги хўжаликларда ташкил этилсин:

Қорақалпоғистон АССРда — Ширин Юсупова бригадаси базасида Хўжайли районидаги Ленин номли колхозда;

Бухоро областида — Барот Муродов бригадаси базасида Свердлов районидаги «Ўзбекистон» колхозида;

Жиззах областида — Ёқуб Зоиров бошлиқ бригада базасида Жиззах районидаги Навоий номли колхозда;

Қашқадарё областида — Гулбаҳор Нуруллаева бошлиқ бригада базасида Қамаши районидаги «Коммунизм йўли» колхозида;

Наманган областида — Валижон Абдуллаев бошлиқ бригада базасида Тўрақўрғон районидаги «Намуна» колхозида;

Самарқанд областида — Исмоил Киборов бошлиқ бригада базасида Оқдарё районидаги «Дахбет» совхозида;

Сурхондарё областида — Ўлмасхон Ёрова бошлиқ бригада базасида Сариосиё районидаги Калинин номли колхозда;

Сирдарё областида — Жонибек Ийлдошев бошлиқ бригада базасида Ворошилов районидаги Куйбишев номли колхозда;

Тошкент областида — Пётр Сон бошлиқ бригада базасида Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозида;

Фарғона областида — Турсунали Аҳмедов бошлиқ бригада базасида Бағдод районидаги «Пахтакор» колхозида;

Хоразм областида — Собир Қаландаров бригадаси базасида Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозда.

Мусобақадош колхозлар, совхозлар, бригадалар ўртасида маккажўхори бўйича шу йил 15 июлдан 25 июлгача ўзаро текшириш ўтказиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Ўзаро текшириш якунлари бригада коллективларида кенг муҳокама қилинсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, Таҳёрлов министрлигига «Узсельхозтехника» ва «Узплодоовощвинпром» бирлашмаларига, «Главсредазирсовхозстрой»га маккажўхорини йиғиштириб оладиган ва уни ташийдиган техника ремонтини, маккажўхори йиғиштириб олиш ва тайёрлаш ишларининг бутун тараддудини 20 июлдан кечикмасдан таъминлаш, ҳар бир комбайндан юқори унумли фойдаланишни, ўрим-йиғимни 10-15 кун ичида батамом тамомлаш учун комбайнларнинг ишини икки сменада ташкил этишни таъминлаш топширилди. Ҳосили йиғиштириб олингандан кейин бўшаган далаларга дарҳол такрор экинлар экилсин.

Область партия комитетлари ишни икки сменада ташкил этишни ҳисобга олган ҳолда ўрим-йиғим агрегатларини юқори малакали механизаторлар билан комплектлашни назорат остига олишлари, ишларнинг юқори сифатини таъминлаган ҳолда энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш ва маккажўхорини йиғиштириб оладиган комбайнларнинг техникавий имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланишга эришиш учун механизаторларнинг социалистик мусобақасини авж олдириб юборишлари керак.

Республика Қишлоқ хўжалиги министрлигига, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва ЛКСМ Марказий Комитети билан биргаликда маккажўхорикорларнинг республика социалистик мусобақаси ғолибларини мукофотлаш учун Қизил байроқлар таъсис этиш, шунингдек Ўзбекистон маккажўхорикорларининг Чехословакия ва Болгария маккажўхорикорлари билан мусобақасини амалий ташкил этиш ҳамда иш тажрибасини алмашлаш юзасидан тавсияларни беш кун муддат ичида киритиш топширилди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига маккажўхорикорлар социалистик мусобақасининг боришини кенг ёритиш топширилди. Социалистик мусобақанинг таъсирчанлигини конкрет мисолларда ҳар тарафлама ёритилсин, социалистик мусобақада юксак кўрсаткичларга эришган пешқадам бригадалар, колхозчилар, совхоз ишчиларининг энг яхши ишлаб чиқариш тажрибаси кўрсатиб берилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳар бир маккажўхорикорлик бригадасининг коллективи илғор иш усулларини қўлланаётган пешқадамларга тенглашади, рекорд ҳосил олиш учун юришнинг барча иштирокчилари янгидан-янги катта резервларни ишга туширадилар, 1977 йилда олинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз тўла ва ортиғи билан бажарадилар ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб оладилар, деб ишонч билдиради.

◆ ШОНЛИ ЮБИЛЕЙГА МЕҲНАТ ТУҲФАЛАРИ
◆ ЮҚОРИ ҲОСИЛ УЧУН КУРАШ ҚИЗГИН
◆ МАККАЖЎХОРИКОРЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ КУНЛАРИ

ФОТОЛАВҲАЛАР



Ульянов районидаги 18-совхознинг Холиқ Шодиев бошчилик қилаётган ғаллачилик бригадаси аъзолари 150 гектар майдонда мўл ҳосил етиштиришди. Бу ерда ғалла ўрим-йиғими жадаллик билан давом эттирилляпти. Комбайнчи Исмат Юсупов ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. Бригада азаматлари бу йил гектаридан 20 центнердан хирмон нўтаришмоқчи.

Учқўрғон районидаги Ленин номли совхознинг Зокиржон Ғайбуллаев ва Қўчқор Ҳасанов ўртоқлар бошлиқ бригадалари гектаридан пландаги 110 центнер ўрнига 180 центнердан беда ўриб олишмоқчи. Бригадаларда беданинг учинчи ўрими жадаллик билан олиб борилляпти. Суратларда: Юқорида Ульянов районидаги 18-совхознинг Ҳ. Шодиев бригадасида ғалла ўрими пайти. Пастда Учқўрғон районидаги Ленин номли совхознинг бедазорларида учинчи ўрим чоғи.

Ш. Шаропов ва Ҳ. Ҳайдаров фотолари (ЎзТАГ).

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Колхозимиз пахтачиликда юксалиш йўлига чиқиб олди. Ўтган йили гектаридан деярли 33 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди. Машиналарда ялпи ҳосилнинг 65 процента терилди. Бошқа тармоқлар бўйича белгиланган топшириқлар ҳам бажарилди.

Юбилей йилида юксак марраларни кўзлаяпмиз. Она-Ватанга 4 минг тоннадан кўпроқ чўл дурдонаси армуғон этамиз. Қодирали Мирзаалимов, Цой Андрей, Мамажон Отажонов, Умаржон Тўхтасинов, Эшмат Сандов бошлиқ чўлқувар бригадаларимизнинг аъзолари ҳосилдорликни бир йилда гектар бошига 10-15 центнер кўтариб, 50 центнерлик маррани эгаллаш учун курашмоқдалар.

Бундай юксак мажбурият қабул қилинишига асос бор. Кўчат сони гектар бошига ўтган йилдагидан қарийб 15 минг туп кўп бўлди, ғўзалар агротехника муддатларида комплекс парваришдан чиқарилиши туфайли ўсиш, ривожланишдан ўн икки-ўн беш кун олдин гул кўрсатиб шоналади, ҳозир эса қийғос кўсаклаяпти. Ўсимликни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан кўз қорачиғидек асраяпмиз.

Июнь ойини ғўза парваришида яхши якунладик. Лекин умуман олганда ғўзаларнинг ҳосил тўплаши талаблар даражасидан анча орқада қоляпти. Уста деҳқонлар ҳисоби бўйича ғўзаларни яна роса 60 кун меҳр билан парвариш қилсак, кутилганча ҳосил тўплашга, зиммага олинган мажбуриятимизни қоплайдиган даражада пахта етиштиришга муваффақ бўламиз.

Колхозчи-деҳқонларимиз билан маслаҳатлашиб, июль ва август ойларида қиладиган ишларимизни батафсил келишиб олдик. Июль ойида 1020 гектар майдоннинг ҳаммасида камида икки марта комплекс ғўза парвариши ўтказамиз. Ҳосил чўғи талабга жавоб бермайдиган майдонларда эса парваришни уч мартага етказамиз. Ҳар туп ғўзада ўртача 7-8 та бўлиқ кўсак етиштирамиз. Август ойини ҳосилга ҳосил қўшиш ойи деб эълон қилдик.

Белгиланган тадбирларимиз изчиллик билан амалга оширилляпти. Каримжон Акбаров, Алибой Мелибоев, Машраббой Ғаффоров, Оқлиддин Собиров каби сувчиларимиз ғўзаларни қондириб суғоряптилар. Бир сувчига ўртача кунига бир гектар атрофида норма белгиланди.

Суғориш кеча-кундуз ўтказиляпти. Мутахассисларимиз қайси пайкалга қачон сув тараш зарарлигини ғўзаларнинг ҳолатини ҳисобга олиб олдиндан белгилаб беряпти. Биз бегона ўтлардан тўла тозаланган пайкаллар, гагина сув тараяпмиз. Сув исрофгарчилигига қарши кураш диққат марказимизда бўлаётир.

Ер етилиши билан дарҳол чуқур культивация қилинмоқда. Натижада нам тўла сақлаб қолиняпти. Ғўзалар қийғос ҳосил тўплаётган, гуллар кўсакларга айланаётган ҳозирги шароитда ернинг нам ҳолатда сақланиши, тупроқнинг майин бўлиши ўсимликнинг мижозига айнан мос келади. Асқарали Қамбаров, Аҳмаджон Ҳалилов, Абдуҳалил Хўжақулов, Абдуманнон Қодиров каби механизаторларимизнинг ихтиматларидан мамнунмиз. Уларнинг ҳар бири кунлик дала ишлари топширигини бир ярим-икки ҳисса қилиб бажармоқдалар. Айни кезда ана шу азамат механизаторларимиз мавсумда 230-250 тоннадан пахта териб берадилар.

Сувчилар билан механизаторлар ишининг бир-бирига уйғунлаштирилиб олиб борилиши ғўзаларнинг дуркун ўсиб, ҳосил ишоналарини кўпроқ тўплаш ва сақлаб қолишга шароит яратмоқдалар. Биз пахта йиғим-терими бошлангунча парваришни зардорлигасига давом эттираверамиз.

Юбилей йилида ялпи ҳосилнинг 80 процентини «заҳгори кема»ларда теришга қарор қилганмиз. Наманган областининг Учқўрғон, Сирдарё областининг Оқолтин районлари пахтакорлари ялпи ҳосилни ўқувчилар, студентлар ,шаҳарлик ёрдамчиларни сафарбар этмай машиналарда териш ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Биз уларнинг чақирғига қўшиламиз. Юз процент ҳосилни машиналарда теришимиз мумкин эди. Бироқ механизаторларимизнинг малакаси пастроқ, бунинг устига терим машинамиз кам. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳосилнинг 80 процентини сўзсиз машиналарда териб оламиз.

Хўжалигимизда 17 та терим машинаси бўлиб, шундан 6 таси «Ўзбекистон» маркали тўрт қаторли машинадир. Машиналарнинг қатта қисмини ремонтдан чиқариб кўйдик, уларни икки сменада ишлатамиз. Эрта-индин чеканкани бошлаймиз. Дефолиация ўтказишга ҳам пухта тараддуд кўрмоқдамиз.

Колхозимиз чўл бағрига жойлашган. Шу туфайли кўп қийинчиликлар юз беряпти. Бу қийинчиликларни меҳнат билан енгамиз, юбилей йилида пахтадан юқори ҳосил кўтаришга эришамиз.

Ғ. ХИДИРОВ.

Олтиариқ районидаги «Комсомол» колхози раиси.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Монголия Халқ революциясининг 56 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар Монголия Халқ-революцион партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, МХР Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. Цеденбалга ва МХР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Ж. Батмунхга табрик телеграммаси йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади:

1921 йилдаги халқ революцияси монгол халқининг ҳаётида бурилиш ясаган воқеа бўлди. Бу революция монгол халқига дадил ва муттасил ижтимоий тараққиёт уфқларини очиб берди, жаҳондаги чуқур ва ғоят кенг социал ўзгаришлар жараёнининг муҳим бўғини бўлиб қолди. Улуғ Октябрь социалистик революцияси бу жараённи бошлаб берган эди.

Монгол халқи ўзининг синалган марксчи-леничи авангарди — Монголия Халқ-Революцион партияси раҳбарлигида янги ҳаёт қурилишида жуда катта зафарларга эришди. Социализм моддий-техника базасининг мустаҳкамланганлиги, меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг юксалганлиги, миллий маданиятнинг гуллаб яшнаганлиги, социалистик демократиянинг қарор топганлиги — ҳозирги Монголияга хос хусусиятлардир. Сизнинг республикангиз социалистик давлатлар ҳамдўстлигининг тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм йўлидаги муштарак курашига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Буларнинг ҳаммаси Монголия Халқ Республикасининг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ғоят ошириб юборди. Революциядан илгари феодализм кишанларидан азоб чеккан мамлакат шароитида революцион, социалистик ўзгартишларни амалга ошириш соҳасида кўрсатган намунангиз катта жозиба кучига эгадир.

Партияларимиз ва халқларимиз ўртасидаги социалистик интернационализм принципларига асосланган бузилмас дўстлик йил сайин мустаҳкамланиб, ривожланиб бормоқда. Кўп қиррали Совет—Монголия ҳамкорлиги доим чуқурлашиб бормоқда ва сиёсий хўжалик, идеологик ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида катта натижалар бермоқда. Бу ҳамкорлик МХР партия-ҳукумат делегациясининг 1976 йил октябрида СССРга келган вақтида олиб борилган музокаралар натижасида янада кучайди. Монголия Халқ-революцион партиясига, қардош монгол халқига нисбатан доим чуқур муҳаббат ва иззат-ҳурмат туйғуларини изҳор этаётган КПСС, совет кишилари бундан бўён ҳам Совет — Монголия дўстлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш йўлини қатъият ва изчиллик билан ўтказаверадилар. Мамлакатларимиз муносабатларининг бутун тарихий тажрибаси бу дўстликнинг муҳим аҳамиятини тасдиқлади.

(ТАСС).

БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги Монголия халқ революциясининг 56 йиллигини нишонламоқда. Кўпгина корхоналар ва қурилишларда қардош халкнинг социализм қуришда эришган муваффақиятлари тўғрисида, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг таъсири остида монголлар диёрида рўй берган ажойиб ўзгаришлар ҳақида суҳбатлар ўтказилди. Тошкент политехника институтида, пластмасса буюмлар заводида, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида, Совет — Монголия дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлимининг коллектив аъзолари бўлмиш бошқа корхоналар ва ташкилотларда шонли воқеага бағишлаб йиғилишлар ўтказилди ва виставкалар ташкил қилинди.

Монголия халқ революциясининг 56 йиллиги шарафига 11 июль куни Тошкентда шаҳар жамоатчилиги вакилларининг йиғилиши бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари Монголия Халқ Республикасининг меҳнаткашларига социалистик қурилишда янгидан-янги муваффақиятлар, бахт-саодат ва равнақ тиладилар.

(ЎзТАГ).

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

11 июль куни Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум қатнашчилари Тошкентдаги комплекс қурилишларнинг суръати ва сифатини ошириш соҳасида шаҳар партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин доклад қилди.

Пленумда республика пойтахтидаги уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланишни янада яхшилаш тўғрисида шаҳар ижроия комитети раиси В. О. Козимовнинг доклади ҳам муҳокама қилинди.

Пленумда Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг саноат тараққиёти бўйича ижро этувчи директори Абдурахмонхон Ўзбекистоннинг ҳаёти билан танишмоқда. Меҳмон ва унинг ҳамроҳлари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалини бориб кўрдилар, «Ташсельмаш» заводида бўлдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари ҳамда янги қурилиш районлари билан танишдилар.

11 июлда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси Қ. А. Ахмедов Абдурахмонхонни қабул қилди.

Абдурахмонхон Самарқанд ва Бухорога сафар қилади.

(ЎзТАГ).

«Карпат» машқи

ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИ

Матбуотда илгари хабар берилганидек, 11 июлдан 16 июлга қадар Луцк, Львов, Ровно районида Қизил Байроқ орденли Прикарпат ҳарбий округи қўшинларининг «Карпат» деб шартли ном берилган машқи ўтказилади. Машқда қатнашувчи қўшинлар марш-ларда бўладилар, ўзлари учун белгилаб қўйилган районларга чиқадилар, дастлабки позицияларни эгаллайдилар.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бўсағасида, КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорлари, СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси туфайли юзага келган ғоят зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган шароитларда ўтказиладиган «Карпат» машқи Прикарпат жангчиларининг совет халқи олдидаги, Коммунистик партия ва унинг Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети олдидаги ҳисоботи бўлади. Прикарпатлик жангчилар округ тарихидаги энг ёркин саҳифалар ўртоқ Л. И. Брежнев номи билан боғланганлигидан фахрланадилар. Леонид Ильич округ ташкил этилганида унинг сарчашмасида бўлган эди. Генерал-майор Л. И. Брежнев 1945 йил июлидан 1946 йил июнигача округнинг сиёсий бошқармасига бошчилик қилди. Л. И. Брежнев шахсий составни ғоявий ва ҳарбий жиҳатдан тарбиялашга, партиявий-сиёсий ишни ғиналлик вақти вазифаларини татбиқан қайта қуришга раҳбарлик қилди, Улуғ Ватан уруши тажрибасини умумлаштириш ҳамда бу тажрибани қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги практикасига жорий этиш учун, қисмлар ва қўшилмаларнинг жанговар шайлигини янада ошириш, сиёсий органлар ва партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш учун кўп ишлар қилди.

Етмишинчи йилларнинг жангчилари — қаҳрамон фронтчиларнинг ўғиллари ва набиралари шонли жанговар анъаналарни шараф билан кўпайтирмоқдалар. Бу нарса Прикарпат ҳарбий округи бўлинмалари ва қисмларида айниқса яққол сезилмоқда. Округнинг бўлинмалари ва қисмлари «Карпат» машқи давомида ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришга шай бўлиб турибдилар. Бўлинмаларда бўлиб ўтган партия йиғилишларида коммунистларнинг: «Қаҳрамон фронтчиларга тенглашайлик», — деган сўзлари баралла янгради.

Машқ қатнашчиси, батальон командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари старший лейтенант Б. Дитрих бундай деди:

— Машқ арафасида бизнинг бўлинмамизда митинг ўтказилиб, унда жангчилар Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари бўлган фронтчиларнинг «Карпат» машқи қатнашчиларига муроҳаатини, шунингдек Львов области меҳнаткашларининг мактубини муҳокама қилдилар. Ҳар биримизга қарата айтилган шу ватанпарварлик сўзларини Ватан ҳимоячилари чин қалбдан қизғин маъқуллаб кутиб олдилар. Биз тенглашсак арзийдиган кишилар бор. Ахир бизнинг қисмимиз 1944 йилда мана шу ерда, Карпат тоғларида душман билан қаҳрамонларча жанг қилган. Биз совет жангчисининг мардлигидан далолат берувчи азиз ёдгорликларни авайлаб асрамоқдамиз. Айни биз «Карпат» машқида иштирок этиб, кекса авлод жанговар шуҳратини кўпайтиришдек зўр шарафга муяссар бўлганлигимиз билан фахрланамиз. Бизнинг батальонимиз бош йўналишда ҳаракат қилади, бу эса зиммамизга алоҳида масъулият юклайди. Бўлинма жангчилари ўзларининг йиғилишида машқда фронтчасига ҳаракат қиламиз, деб қарор беришди. Бунинг маъноси шуки, доимий жанговар тайёрлик ҳолати ҳукм суради. Ҳар бир жангчи ўзининг вазифасини, умумий сафда ўзининг роли ва ўрнини жуда аниқ билади.

Биз солдатлар, сержантлар, прапоршчиклар ҳамда офицерлар билан учрашувлар чоғида асосий нарсага қайта-қайта ишонч ҳосил қилдик: машқда қатнашувчи ҳамма жангчилар социалистик Ватанни ҳимоя қилиш соҳасидаги ўз бурчларини чуқур тушунадилар, бу бурчлар, СССР Конституцияси лойиҳасида ёзиб қўйилганидек, Конституциянинг талабига айланади.

Шундай қилиб, «Карпат» машқида иштирок этувчи қўшинлар, қисмлар ва бўлинмалар дастлабки марраларни эгаллаб, ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга ҳозирлик кўрмоқдалар. Шахсий состав машқ давомида юксак жанговар уддабуронлик ва ҳарбий маҳоратни намойиш қилишга интилмоқда.

А. ГРИЦЕНКО,
Ю. МОСКОВСКИЙ,
ТАСС махсус муҳбирлари.

Машқ райони, 10 июль.

ЛЕНИН ЧАҚИРИҒИ КОММУНИСТЛАРИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик юбилейи тобора яқинлашмоқда. СССР Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши ана шу шонли байрамни муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ мусобақасига юксак кўтаринкилик бағишламоқда. Мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган ана шу тарихий воқеалар муносабати билан жаҳонда биринчи социалистик мамлакат, унинг коллектив меъмори—Коммунистик партия тарихига назар ташламоқдамиз, халқимиз босиб ўтган шонли йўлнинг йирик довонларидан илҳом олмоқдамиз.

«Совет Ўзбекистони» газетаси ўз саҳифаларидан бирини ишчи ва деҳқонларни Октябрь ғалабасига бошлаб келган, социалистик революция зафарларини мустаҳкамлашга бош-қош бўлган революция чавандозларига бағишлаган эди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида эълон қилинаётган ушбу саҳифа Ленин чақириғи коммунистларига бағишланади.

Ленин чақириғи коммунистлари!

1924 йилнинг 22 январида РКП (б) Марказий Комитети «Партияга. Барча меҳнаткашларга» мурожаатида шундай деб ёзган эди: «Ленин вафот этган бўлса ҳам, унинг иши ўлмайди, Ленин партиямизнинг ҳар бир аъзосининг қалбида яшайди. Партиямизнинг ҳар бир аъзоси Лениндан бир нишондир. Бизнинг бутун коммунистик онламиз Ленининг коллектив тимсолидир».

Ушбу саҳифада Ўзбекистон Коммунистик партия ташкилотларида Ленин чақириғи кампанияси қандай ўтганлиги, бу партия жангчиларининг бутун бир авлоди тақдирида қандай ўзгаришлар ясаганлиги ҳақидаги материаллар билан танишасиз.

МАНГУЛИККА ДАЪВАТ

В. И. Ленин буюк назариётчи, Маркс ва Энгельс ишининг содиқ давомчиси, пролетар революциясининг доҳийси сифатида тарихда беқиёс ўрин эгаллайди. Ленин марксизм назариясини ижодий ривожлантириб, ишчилар партиясини социалистик революция ғалабасига бошлаб борди. Унинг номи жаҳон меҳнатчилари ва барча тараққийпарвар инсоният учун бағоят қадрлидир.

1924 йилнинг 21 январида Владимир Ильичнинг юраги уришдан тўхтади. 22 январга ўтар кечаси РКП(б) Марказий Комитетининг фавқулодда Пленуми бўлиб ўтди. Пленум «Партияга. Барча меҳнаткашларга» Мурожаат қабул қилиб, совет кишиларини бардам бўлишга, Ленин ишини қатъият билан давом эттириш учун Коммунистик партия тевирагига мустаҳкам жипслашишга даъват қилди. Ишчилар партияга оммавий равишда кира бошладилар. 29-31 январь кунлари ўтган РКП(б) Марказий Комитетининг Пленуми «Станокда ишловчи ишчиларни партияга қабул қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. В. И. Ленин вафот этгандан кейин, деб таъкидланган эди бу қарорда, ишчиларнинг ўртоқ Ленинга улкан меҳр-муҳаббати ёрқин намоён бўлди. Бу меҳр-муҳаббат доҳиймиз ташкил этган, революцион жангларга бошлаб борган Коммунистик партияга қаратилган эди. Ўша кезлари ишчиларнинг Ленин партиясига иштиёқи беқиёс кўлам касб этди. Бу ҳол ишчиларни партия сафига жалб қилишнинг кенг кўламли қизғин кампаниясини бошлаш имконини берарди. Бу кампания кейинчалик ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган совет кишиларининг янгиянги қатламини партия сафига қабул қилишдан иборат муҳим партиявий-ташкилий ишнинг муттасил давом этадиган жараёнига айланиб кетиши лозим эди. «Станокда ишловчи ишчилар — пролетар революциясининг собитқадам тарафдорлари, РКПга киринглар! Пролетарлар! Партия сафларига энг яхши, пешқадам, софдил ва жасур жангчиларингизни юборинглар!» Партияга Ленин чақириғи кампаниясининг шиори ана шундай эди. Пленум уч ойлик муддатда бу кампаниянинг энг муҳим вазифаларини бажаришни белгилаб чиқди.

Пленум қабул қилган қарорда истисносиз тарзда фақат ишчиларни партия сафига қабул қилиш лозимлиги уқтириб ўтилган эди. Алоҳида ишчилар, шунингдек, ишчиларнинг алоҳида гуруҳлари бирлашиб туриб, партияга қабул қилиш тўғрисида ариза беришлари ҳам мумкин эди. Партияга қабул қилинувчилар эса очиқ партия йиғилишларида яккамаяккка муҳокама қилинарди.

Туркистонда, илгари қолоқ аграр районларда бўлгани каби, партияга қабул қилинувчиларнинг синфий асосини шаҳар ишчилари ва қишлоқларнинг батраклари ташкил этарди. Шуни назарда тутиб, партия Марказий Комитети Ленин чақириғи мобайнида ишчилар билан бир қаторда партия сафига батраклар ва мардикорлардан кўпроқ жалб этишни таклиф қилди.

Партия Марказий Комитетининг РКП(б) сафига Ленин чақириғи ўтказиш тўғрисидаги қарори Совет Туркистонининг шаҳар ва қишлоқларида ҳам қизғин кутиб олинди. Юзлаб ва минглаб ишчилар, батраклар партия ташкилотларига ёзган аризаларида ўзларига юксак ишонч билдириб, Ленин партияси сафига қабул қилишни сўрашарди. Ленин чақириғи кампанияси Туркистонда 15 мартдан бошланиб, 15 июнь куни якунланди.

Туркистон Компартиясининг VIII съезди Ленин чақириғини ташкил этиш масалаларига катта эътибор берди. Ленин чақириғи, деб таъкидланган эди съезд қарорида, Туркистон Коммунистик партиясини тубдан янгилаш ишига хизмат қилиши лозим. Шуни назарда тутиб, съезд маҳаллий ташкилотлар эътиборини ерли аҳоли орасидан чиққан ишчилар ва батраклар ўртасида кўпроқ иш олиб боришга қаратди.

РКП(б) Марказий Комитети ва Туркистон Коммунистик партиясининг VIII съезди қарорларига амал қилиб, республика партия ташкилотлари сиёсий, тарбиявий ва ташкилий ишлар кўламини кенгайтирдилар. Ишчилар ва батраклар орасидан танлаб партияга қабул қилиш кучайтирилди. Айниқса, ерли аҳоли вакилларини Ленин партияси сафига жалб этишга алоҳида эътибор берилди.

Туркистонда партияга Ленин чақириғи ғоят катта муваффақият билан якунланди. Ишчиларда, батраклар ва мардикорларда ўз тақдирини Ленин партияси билан боғлашга иштиёқ ниҳоятда кучли эди. Туркистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул секретари Ляпин 1924 йил 19 ноябрь куни Ленин чақириғига якун ясалган докладда Туркистон Компартиясининг ленинчи кандидатлари 8113 кишини ташкил этганини таъкидлаган эди. Умуман, ўлка партия ташкилотининг сафи Ленин чақириғи мобайнида 47,4 процентга ўсди. Шу муддатда 4817 ишчи, 2402 батрак ва 894 бошқа кишилар партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. 214 хотин-қиз Ленин чақириғи кампаниясимобайнида партия сафига кирди.

Ленин чақириғи Туркистон Компартиясининг ижтимоий составини бирмунча яхшилади. Агар ТКП VIII съездигача партия аъзоларининг 18,3 процентини ишчилар, 4,1 процентини батраклар ташкил этган бўлса, Ленин чақириғидан сўнг партия аъзоларининг 32,4 процентини ишчилар, 15,2 процентини батраклар ташкил этарди.

РКП(б), унинг жойлардаги отрядлари ташкилий-сиёсий жиҳатдан сезиларли даражада мустаҳкамланди. Партия XIII съезди қайд қилганидек, партиянинг пролетар қатлами ўсганлиги ва мустаҳкамланганлиги партия сафларининг бирлигини мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлди. Съезд яқин муддатда Ленин чақириғи коммунистларини партиявий-тарбиявий ишларни қизғин йўлга қўйиш лозимлигини уқтирди. РКП(б) Марказий Комитетининг шу орада қабул қилинган қарорларида Ленин чақириғи мобайнида қабул қилинган коммунистларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг сиёсий билимларини ошириш, партиявий-сиёсий ишларга фаол жалб этиш вазифалари илгари сурилди. Чунончи, Тошкент шаҳрида Ленин чақириғи бўйича партияга қабул қилинган 1333 кандидатнинг ҳаммаси сиёсий тўгараклар машғулотларига жалб қилинди. Улар сиёсий маълумот олиш мактабларида ўз билимларини оширдилар. Ленин чақириғи коммунистларини сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ишига 97 масъул ходим ва 58 студент жалб этилди. Самарқанд, Қўқон ва бошқа шаҳарларда ёш коммунистларни тарбиялаш соҳасида самарали иш олиб борилди. Натижада уларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги муттасил ошиб борди. 1924 йил ноябрига келиб, Тошкент шаҳар партия ташкилотида 228 партия аъзолигига кандидат партиявий, ижтимоий-сиёсий фаолиятга жалб этилган эди. Самарқанд областининг Темирйўл районида 34 кандидат жамоат ишида фаол қатнаша бошлади.

Ленин чақириғи партия нуфузи ғоят ўсиб бораётганлиги ва партиясиз оммининг тобора кенг қатламлари ўртасида унинг таъсири кенгаяётганлигининг янги ёрқин намойиши бўлди. Бир неча ой мобайнида 8 мингдан ортиқ ишчи ва батрак партия сафига қабул қилинганлиги Туркистон Коммунистик партияси янги ҳаёт учун курашнинг етакчи кучига айланганлигидан, партия ва халқ бузилмас бирлиги тобора мустаҳкамланаётганлигидан, социалистик қурилиш вазифаларини бажаришда Коммунистик партия илгари сураётган вазифаларни ишчи ва меҳнаткаш деҳқонлар кенг қўллаб-қувватлаётганлигидан далолат берарди. Ленин чақириғи Туркистон партия ташкилотларининг ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланишига, унинг ишчи қатлами ўсишига хизмат қилди.

И. АЛИМОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти партия қурилиши секторининг мудири, тарих фанлари кандидати.

Валима Хабирова билан Абдулла Урозбоевлар бу дақиқаларни бир умр унутишмайди. Беруний район партия комитетининг биринчи секретари Олим Ражабов уларга партия билети топширар экан, шундай деди:

— Партиямизнинг улуғ идеалларига ҳамиша содиқ бўлинг. Муваффақият тилайман.

Қорақалпоғистон партия ташкилотлари КПСС сафини илғор, меҳнатда ўзини нўрсатган янги кучлар ҳисобига муттасил ўстириб бормоқдалар. Партия билети ёш коммунистлар учун Ленин ишига садоқат рамзи бўлиб қолмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ҲУЖЖАТЛАР ШОҲИДЛИК БЕРАДИ

Тошкент темир йўл алоқа бўлими ҳузуридаги коммунистик ячейка раисига
Коллектив ариза

Устозимиз Владимир Ильич Ленининг вафотидан сўнг биз — пролетар республикасининг меҳнаткашлари кекса партия ходимларига Владимир Ильич Ленин васиятларини бажаришда ёрдам беришимиз кераклигини чуқур ҳис қилиб, бизни партияга қабул қилишингизни сўраймиз.

Заборский Иван, Есипов Сергей, Мўминов Абдумажид, Қаюмов Абдураҳмон, Мирхусанов Акбар...

Аризага жами 79 киши қўл қўйган.

ПРОТОКОЛ 2

Тошкент Янгишаҳар район партия комитети ҳузуридаги Ленин чақириғи кандидатларини тасдиқлаш комиссиясининг йиғилиши.

1924 йил 23 март

Эшитилди:

«Қизил Октябрь» пойафзал фабрикаси коммунистик ячейкасининг Туркистон Коммунистик партияси аъзолигига кандидатликка коллектив равишда қабул қилиш тўғрисидаги 1924 йил 6 февралда қабул қилинган 2-протоколи қараб чиқилди.

1. **Казимов Михаил Казимович,** ишчи, 1882 йилда туғилган. Саводсиз.

Биринчи группа бўйича тасдиқлансин.

2. **Холбоев Дўст,** ишчи, 1901 йилда туғилган. Бошланғич маълумотли.

3. **Солиев Раҳим,** ишчи, 1900 йилда туғилган. Бошланғич маълумотли.

Биринчи группа бўйича тасдиқлансин.

ПРОТОКОЛ № 12

Тошкент Янги шаҳар район партия комитети ҳузуридаги Ленин чақириғи бўйича партия кандидатлигига қабул қилинганларни тасдиқлаш комиссиясининг йиғилиши.

1924 йил 15 июнь

Эшитилди:

Матбаачилар ячейкаси

1. **Мелицков Николай Степанович,** рус, 1903 йилда туғилган. 1923 йилдан комсомол аъзоси, бошланғич маълумотли, ҳарф терувчи.

Биринчи группа бўйича тасдиқлансин.

2. **Орипов Юсуф Исмоилович,** ўзбек. 1904 йилда туғилган. 1923 йилдан комсомол аъзоси. Маълумотли. Ҳарф терувчи.

Биринчи группа бўйича тасдиқлансин.

* *

ҚЎШ ЮРАК

Мана, менинг чап
кўкрагимда,
Уриб турар икки қўш юрак.
Сокин турар баъзан
кўксимда,
Баъзан эса момогулдирак.
Бири муштдек меҳнаткаш
вужуд,
Бутун олам сиғар қаъригa.
У туфайли кўксим доим бут,
Айри тушмас мендан
нарига.
Бири чўғдек порлаб тургувчи,
Коммунистлик мандатим
менинг.

Жасоратга чорлаб тургувчи,
Ирода-ю, журъатим менинг.
Унда бордир Ленин сиймоси,
Демак менинг қалбимда
доҳий.
Улчанмайди унинг баҳоси,
Чин дилларда яшар у боқий.
Мана, кўринг кўксимда
чиндан,
Уриб турар икки қўш юрак.
У юракни юрак демасман,
Бўлса агар лоқайд, бўш
юрак.
Бир-бирига ҳамоҳанг тепар,
Кўксимдаги икки қўш юрак.

Яхшиликнинг уруғини сепар,
Инсон номи бўлсин деб
юксак.
Умр риштасини токи сўнгги
дам,
Иккала юрагим бирга эшади.
Бағримни гар ўқ тешганда
ҳам,
Ҳар иккисин бирга тешади.
Юксакларни қучгил,
марҳабо,
Каптарларим — қўш
юракларим,
Коммунистик зич сафлар аро,
Қайна, уфур, жўш
юракларим!

Қодир ДЕҲҚОНОВ.

САДОҚАТ

Ленин чақириғи коммунистлари... Янги ҳаёт учун толмас курашчиларнинг бу авлодига мансуб бўлган кишилар партия ва халқ иззат-икромига сазовор. Бу кишилар Ленин партиясига мансубликни курашларда ўт-олов кечиб, қон тўкиб оқладилар.

Улар республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашмоқдалар, меҳнат коллективларида бўлиб, совет турмуш тарзини пропаганда қилишга бағишланган лекциялар ўқимоқдалар, меҳнаткашлар давраларида СССР Конституцияси лойиҳаси ҳақида суҳбатлар ташкил этмоқдалар. Ленин чақириғи коммунистлари ўзларининг фаол ижтимоий фаолиятлари билан КПСС XXV съезди қарорларининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Қуйида Ленин чақириғи коммунистларига сўз берамиз.

ҚАЛБДА ҲАЯЖОН БИЛАН

«Бизнинг негизимиз мустаҳкам... Бизнинг шонли байроғимиз атрофида миллионлар тўпланмоқда. Устозимизнинг вафот этиши — бу оғир мусибат — сафларимизни яна ҳам маҳкамроқ жипслаштиради. Биз аҳиллик билан жанговар саф тортиб, капиталга қарши юриш қилиб бормоқдамиз ва дунёда ҳеч қандай куч бизнинг батамом ғалаба қозонишимизга тўсқинлик қила олмайди.

Бу ғалаба ўртоқ Ленинга — омма ўз «Ильичимиз» деб атаган қадрдон дўстимизга, — энг яхши ёдгорлик бўлади».

Қачонки қўлимга партия билетини олсам, юқоридаги оташин, даъваткор сўзлар хотирамга келади. Бизлар — САКУ тингловчилари РКП(б) Марказий Комитетининг «Партияга. Барча меҳнаткашларга» Мурожаатини зўр ҳаяжон билан ўқиб, Тошкент корхоналарида, маҳаллаларида митинглар ўтказгандик. Ўша кезлари «Дегрез» маҳалласида ҳунарманд комсомолларнинг сиёсий маориф тўгарагида машғулот ҳам олиб борар, жамият тараққиёти тарихидан лекция ўқирдим.

Партияга Ленин чақириғи эълон қилинганида ўқув группамизнинг деярли барча студентлари — коллектив ариза ёздик. Ўқитувчи ва студентларнинг умумий йиғилиши кафолоти билан рўйхат бўйича партия кандидатлигига қабул қилиндик. Файзи Тўронов, Ғулом Соипов, Ҳошим Хўжаев, Насриддин ва Хусниддин Абдуллаевларнинг ўша онлардаги ҳаяжонли руҳияти, чақноқ нигоҳлари ҳали-ҳали ёдимда. Бизлар партия ишончини оқлашга, умримизни, керак бўлса, жонимизни ҳам янги ҳаёт қуриш ишига бағишлашга онт ичдик.

Гоҳи-гоҳи вақт ўтиши билан сарғайиб кетган ҳужжатларни кўздан кечираман. Шунда ўша йилларнинг қайноқ нафасини қайта ҳис қиламан. «Салмонов Раҳмон 1924 йил декабрида Тошкент область ЧОН отряди 800-батальонининг 2-ротасига сафарбар қилинди». Ўшанда партия кандидати эдим, Тошкент атрофида тинчлик ўрнатиш учун ЧОН жангчиси бўлиб қўлга қурол олдим. Мана бу — характеристика. САКУ партия ячейкаси ёзган бу характеристиканинг бир ибораси диққатга сазовор: «Партияли сифатида шаклланмоқда». Эҳ-ҳе, бу осонликча бўлмади. Бешариқда бойнинг малайи эдим. Октябрь кўзимни очди, қалбимга шижоат бағишлади. 1919 йили комсомолга қабул қилишди. Босмачилар, унсурлар билан аёвсиз жанг қилдик. Ғирт оми эдик. Октябрь туфайли ўқидик, илм олдик. Оддий қишлоқ йигити жангларда чиниқиб, Ленин партиясига аъзо бўлди. Умр бўйи партбилетга содиқ бўлиб қолди. Бундан ортиқ бахт борми яна?.

Мен ўз бахтимни шу кунларда янада яққол, тўлиқ ҳис қилмоқдаман. 1924 йил ва 1937 йил СССР Конституциялари қабул қилинганлигининг гувоҳиман. Ҳозирги ҳаётимиз мамлакатимизнинг Асосий Қонунида белгиланган барча қоидалар ва принциплар тўла-тўкис амалга оширилганлигининг тимсоли. Калинин район маиший хизмат комбинати партия ташкилотининг ҳисобида турганим сабабли комбинат ишчилари ўртасида суҳбатлар ташкил этмоқдаман. Улар СССР Конституцияси лойиҳасида илгари сурилган принципларни тўлатўкис маъқуллаб, унинг айрим моддаларига баъзи тузатишлар ёки тўлдиришларни таклиф қилмоқдалар. Бу муҳокама чинакам демократик асосда ўтаётганлиги, оддий ишчию-колхозчидан тортиб, ҳамманинг таклифлари ва мулоҳазалари ҳисобга олинаётганлигини Совет демократиясининг тантанаси деб биламан.

Р. САЛМОНОВ,
республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер.

ҲАЁТ МАЗМУНИ

Ёшинг саксонга яқинлашиб қолганда, беихтиёр ўтган йилларни, босиб ўтилган ҳаёт йўлини эслашга иштиёқ сезарксанан, киши. Шонли йилларнинг ёрқин ишларини яна бир бор мулоҳаза қилиб, аҚл тарозусига солиб кўргинг келади.

Ҳаётимнинг асосий маъносини ўйласам, Ленин партиясининг ҳар бир аъзоси сингари мен ҳам социалистик Ватан манфаатларига хизмат қилишни, кишиларга фойдали бўлишга интилишни, ком. мунистик идеалларни амалга ошириш учун курашда фаол қатнашишни умр бўйи мақсадим деб билганлигим билан фахрланаман.

1924 йилнинг январи. Владимир Ильич Ленин вафот этганлиги ҳақидаги хабар Кировограда етиб келганда мен округ партия-совет мактабида билим олмоқда эдим. Биз — кечаги ишчилар Ильич васиятларини амалга ошириш учун тантанали қасамёд қилдик. Социалистик Ватанни севишга ва уни душманлардан ҳимоя қилишга онт ичдик. Сафда турган дўстларимнинг жиддий чеҳраларини, тантанавор қасамнинг даъваткор сўзларини бир умр унутолмайман.

Биз — Ленин чақириғи коммунистлари урушнинг яраларини даволашда, синфий унсурларни батамом тугатишда, очлик, қашшоқлик, вайронагарчиликларни бартараф этиб, социалистик қурилиш вазифаларини бажаришда фидокорлик кўрсатганлигимиз билан фахрланамиз.

Ўтган йиллар мобайнида Ленин чақириғи коммунистларининг юксак масъулиятини ҳис этиш туйғуси мени бирор дақиқа бўлсин, тарк этгани йўқ. Партиянинг оддий аъзоси сифатида ҳамиша янги ҳаёт учун курашнинг олдинги марраларида бўлдим, кундалик меҳнатим билан мамлакатимиз кучқудратини мустаҳкамлашга ҳисса қўшдим.

В. И. Ленин номли Тошкент электрон-техника заводида ҳам 15 йилдан ортиқ меҳнат қилдим. Коммунист ҳаётининг бутун мазмуни партияга, халққа хизмат қилишда эканлигини қалбдан ҳис этиб, коллективнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашдим. Ахир, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкинми?! Ильич умр бўйи халқ бахт-саодатини ўйлаб яшади ва меҳнат қилди. Ленин чақириғи бўйича партия сафларига қўшилган биз — коммунистлар унинг васиятларини муқаддас билиб, амалга оширдик, мамлакатимизни бахтли ҳаёт сари бошлаб бораётган Коммунистик партия ғояларининг тантанаси учун курашдик. Мен коммунистларнинг ана шу авлодига мансуб эканлигим билан фахрланаман.

Кеча Ленин орденли электрон-техника заводи цехларидан бирида СССР Конституциясининг лойиҳаси юзасидан суҳбат ўтказдим. Бу меҳнат коллективларида ўтказаётган суҳбатларимнинг давоми эди. Ишчилар Бахтномамизнинг лойиҳасида баён қилинган қоидаларни шонли мамлакатимиз учун ифтихор туйғулари билан тўлиб-тошган ҳолда маъқуллаб-мақдалар.

Мамлакатимизнинг бугуни баркамоллигини кўриб, қалбларимиз ифтихорга тўлади. Унинг бугуни қуч-қудрати билан ғурурланмасдан, фахрланмасдан бўладими, ахир? Бизнинг бахтимиз шундаки, қудратли Совет Иттифоқининг шонли тарихига ҳар биримиз ўз саҳифамизни ёздик. Шу туфайли ҳар биримиз ўз тақдиримиздан миннатдормиз. Совет ҳокимияти, жонажон Коммунистик партия, биз оддий кишиларни янги ҳаёт учун курашнинг олдинги маррасига олиб чиқди. Ленин чақириғи коммунистларининг бахти, куч-қудрати ана шундадир.

Е. ПЕРЛИН,
шахсий пенсионер, Ленин чақириғи коммунисти.

ПАРТИЯ ЖАНГЧИЛАРИ

1. ШОНЛИ ҲАЁТ

Орифжон Обидов. Бу кишини Бухорода яхши танишарди. 1923 йили ишчи Орифжон комсомол сафига қабул қилинди. Ўшандан бошлаб бу олиҳқалб йигитнинг ҳаётида кескин бурилиш бўлди. У ижтимоий ҳаётда фаол қатнаша бошлади.

— Комсомоллардан қизил командирлар мактабига юборилмоқчимиз, — деди бир куни комсомол ташкилотининг секретари. — Ўқимайсанми?

— Олишармикин? — кўзлари ёниб сўради Ориф.

— Албатта олишади. Ишчи-деҳқон мамлакатимизни ўзимиз ҳимоя қилишга шайланишимиз керак. Демак, ўқийсан?

— Ўқийман!

У Чоржўй ҳарбий мактабида ўқий бошлади. Курсант Обидов ҳарбий тактикани қунт билан ўрганиб, ёш Советлар ҳокимиятининг муносиб ҳимоячилари сафидан жой олишга қатъий аҳд қилган эди. Курсантлар баъзида тревога сигнали билан қўлга қурол олишар, босмачилар, муштумзўрларга қарши жанг қилишарди.

Ҳарбий мактабда ўқиб юрган кезларида Обидовнинг ҳаётида алоҳида ҳаяжонли воқеа рўй берди. Курсант Ленин чақириғи бўйича партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Партия ячейкасининг бу ишончи уни Ватанга янада садоқат билан хизмат қилишга руҳлантирди. Ўқишни муваффақиятли тугатгач, у ўзбек тоғ дивизионида взвод командири, отряднинг сиёсий раҳбари бўлиб хизмат қила бошлади.

Социалистик қурилиш йилларида у МТС директори бўлиб ишлади, қишлоқ хўжалигини янги негизда қайта қуришда ажойиб ташкилотчилик намуналарини кўрсатди.

Гитлерчи босқинчилар она-Ватанимизга ҳужум қилганда, коммунист Обидов яна қўлига қурол олди. 94-алоҳида ўқчи бригадада артиллерия дивизиони командири бўлиб хизмат қила бошлади. Жанубий-Ғарбий фронтда душман билан жангларда қатнашиб, кўрсатган қаҳрамонлиги учун «Қизил Юлдуз», II даражали Ватан уруши орденлари билан тақдирланди. Ленин чақириғи коммунисти Ориф Обидов яратувчилик меҳнати, жангу жадалларда синовлардан ўтиб ,чиниқди.

Р. ЮНУСОВ.

2. ЗИЁ ТАРАТИБ

Партия ячейкасининг йиғилиши тантанали тус олиб кетди. Секретарь Ленин чақириғи бўйича ВКП(б) аъзолигига кандидатликка қабул қилиш учун ариза берганларнинг рўйхатини ном-ном ўқиркан, Мукаррам Аҳмедованинг вужудини илиқ титроқ босди. Ҳозиргина унинг фамилияси ҳам тилга олинди. Коллектив аъзолари яқдил қўл кўтаришди. Дўстлар, ҳамкасблар унга яқинлашиб қизғин қутлашди.

Бу воқеа Мукаррам хотирасида бир умр қолган. Қачонки, ўша онларни эсласа, кураш ва яратиш билан ёнган навқирон ёшлик йиллари кўз ўнгида гавдаланди...

У Ульянов областининг Старопулатқет районида камбағал деҳқон оиласида туғилди. Янги ҳаёт чечаклари лаб очмоқда эди. 1920 йил ўқитувчилар тайёрлаш курсини тугатиб, саводсизликни битириш учун бошланган ҳужумга қўшилди. Орадан кўп ўтмай партия ёш ўқитувчини Урта Осиёга ишга юборди. Ахмедова Қарши шаҳрида ишлай бошлади. Комсомол қиз саводсизликни тугатиш учун қунт билан меҳнат қилди. Халққа билим бериб, кишилар қалбини янги ҳаёт нури билан нурафшон этди. Кейинчалик у партия, хўжалик ишларида фидокорлик кўрсатди. Қарши район партия комитетининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича инструктори бўлиб ишлади. У хотин-қизларни социалистик қурилиш ишига фаол жалб этишда, уларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда алоҳида фаоллик кўрсатди.

Х. ҚОСИМОВ.

3. ПАВЕЛНИНГ БАХТИ

Улуғ доҳийнинг вафот этгани тўғрисидаги хабар Тошкент ЧОН отряди жангчиларининг қалбига ларза солди. Отряд аъзоларининг кўпчилиги партияга қабул қилишни сўраб дарҳол ариза ёзишди. Улар орасида 21 ёшли комсомол аъзоси Павел Миронов ҳам бор эди. Отряд жангчилари уни Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун бўлган жангларда кўрсатган қаҳрамонлиги учун ҳурмат қилишарди. Партия ячейкаси Павелни РКП(б) кандидатлигига қабул қилди. Орадан кўп ўтмай у 8-темир йўл полкига кичик командир этиб тайинланди. Коммунистлар уни шу полк мактабининг партия ячейкаси секретарлигига сайлашди. Ёш коммунист, темир йўл кўприкларини унсурлар, босмачилардан ҳимоя қилишда, синфий душманларнинг ёвуз ниятларини фош этишда алоҳида хушёрлик кўрсатди.

Ўрта Осиё коммунистик университетини тугатгач, Миронов илмий-педагогик ишга ғайрат билан киришди. Йигирма йилча Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти КПСС тарихи кафедрасининг мудири вазифасида самарали иш олиб борди. Республика меҳнаткашлари ўртасида марксча-ленинча назарияни пропаганда қилишда фаол қатнашди. Унинг хизматлари муносиб тақдирланиб, «Ҳурмат Белгиси» ордени, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Павел Петрович Миронов республика ижтимоий ҳаётида узоқ йиллар фаол қатнашди, лекция пропагандасини нучайтириш йўлида зўр ғайрат билан иш олиб борди.

С. ЖАББОРОВ.

СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

СССР гражданлари соғлиқларини сақлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Бу ҳуқуқ давлат соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан бепул малакали медицина ёрдами берилиши билан; ...гражданларни даволаш ва соғлиқларини мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган муассасаларни кўпайтириш билан, кенг профилактика тадбирларини ўтказиш билан... касалликнинг олдини олиш ва камайтиришга, гражданларнинг узоқ йил актив ҳаёт кечиришларини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларни авж олдириш билан таъминланади. (СССР Конституцияси лойиҳасининг 42-моддасидан).

Бизнинг мамлакатимизда Коммунистик партиянинг тинмай қилаётган меҳрибонлиги туфайли соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган ажойиб муваффақиятларни Ўзбекистон мисолида равшан кўриш мумкин, деб таъкидлади Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри Қ. С. Зоиров. Меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш учун бюджетдан йил сайин кўпроқ маблағ ажратилмоқда. Ҳозирги вақтда соғлиқни сақлаш учун ажратилган маблағ ярим миллиард сўмдан ошади. Республика тарихида ҳеч қачон соғлиқни сақлаш учун шунча кўп маблағ сарфланган эмас. Янги даволаш-профилактика муассасалари, катта-катта болалар касалхоналари, жуда яхши жиҳозланган амбулаториялар ва поликлиникалар, «тез ёрдам» станциялари қурилиб ишга туширилмоқда. Ҳар хил клиникалари бўлган бутун бир шаҳарчадан иборат Тошкент медицина институтининг янги комплекси бунга мисол бўла олади. Бу комплекс айни бир вақтнинг ўзида даволаш учун минглаб беморларни қабул қилиши мумкин. Ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасалари 1980 йилга борриб янада кўпайтирилади.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш медикларнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Ўрта Осиёда Улуғ Октябрь ғалабасигача оналар фақат жоҳил доялларнинг ёрдамидангина фойдаланар эди. Эндиликда деярли ҳар бир қишлоқда хотин-қизлар консультацияси ишлаб турибди, туғруқхоналар, болалар консультациялари ва поликлиникаларнинг кенг тармоғи яратилган. Ҳозирги Конституция амал қилган давр мобайнидагина республикада педиатор врачлар сони қарийб 20 баравар кўпайди. Тошкент медицина институтининг факультетидан мустақил олий мактаб бўлиб ажралган Ўрта Осиё медицина педиатрия институти эндиликда шундай кадрларни тайёрлаб чиқармоқда. Болалар касаллигини даволайдиган мутахассислар тайёрлаш учун ординатуралар ва ихтисослашган курслар ташкил этилмоқда, республикада педиатрия илмий-тадқиқот институти ишлаб турибди.

Ўзбекистондаги бир қанча илмий-тадқиқот институтларининг коллективлари ҳозирги замон медицинасининг бир қанча муҳим проблемалари устида ишламоқдалар. Бу муассасаларда олиб борилаётган тадқиқотларнинг кўпи умумиттифоқ аҳамиятига эгадир. Олимларнинг муваффақиятлари медицина практикасига куч бағишламоқда. Врачларни профилактика, диагностика ва даволашнинг янги самарали усуллари билан қуроллантирмоқда. Профилактика медицинанинг бош йўлидир. Кенг медицина профилакторийлари ва санаторий-курорт муассасалари, аҳолини мунтазам текшириб туриш, мажбурий тартибда огоҳлантирувчи эмлашлар каби илмий асосланган тадбирлар комплекси касалликларнинг олдини олишга ёрдам бермоқда. Мана шу тадбирлар туфайли бир вақтлар Ўзбекистон территориясида кенг тарқалган чечак, вабо, ришта, безгак ва шу сингари минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган касалликларга абадий барҳам берилди.

Бизнинг мамлакатимизда медицина ёрдами бепулдир. Илгари ҳам шундай бўлиб келди ва келажакда ҳам шундай бўлади. Совет давлати Асосий Қонунининг лойиҳаси буни гарантиялайди. Қайси капиталистик мамлакатнинг конституцияси шундай гарантияни бериши мумкин? Мана, чет эл матбуотида эълон қилинган баъзи маълумотларни келтирамиз. Америка Қўшма Штатларида врачларга қаратиш ҳақи кейинги 20 йил ичида 10 баравар ошди. Америка клиникаларида ҳозир ўтни олиб ташлаш учун 1950 йилдагига қараганда олти баравар кўп — 2208 доллар тўлаш керак. Японияда, ГФРда ва бошқа капиталистик мамлакатларда даволаниш йилдан-йилга қимматга тушмоқда. Бу мамлакатларда баъзан энг енгил касал ҳам чинакам фожиа бўлиб қолади.

Мана шу фактларни мамлакатимиздаги аҳвол билан таққослар эканмиз, деди суҳбатининг охирида министр, янги Конституция лойиҳасида акс эттирилган социал ғалабалар учун Коммунистик партияга чексиз миннатдорчилик ҳислари тўлиб-тошади. Ўзбекистон медикларининг 250 минг кишилик отряди янги Асосий Қонун, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия Марказий Комитетининг 1977 йилги май Пленумида қилган докладидаги қоидалар ва хулосаларда белгиланган вазифаларни ўзининг жонажон иши, жанговар ҳаракат программаси деб қабул қилди. Бизнинг ҳар биримиз Конституцияда белгиланган бурчларимизни бажаришга бутун кучимизни бағишлашга, фидокорона меҳнатимиз билан халқ ишончини оқлашга, меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ишини янада юксак даражага кўтаришга тайёрмиз.

ҲАР БИР КИШИНИНГ ОНГИГА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Узбекистонда СССР Конституциясининг лойиҳаси сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят жўш урган вазиятда муҳокама қилинмоқда. Минг-минглаб пропагандистлар, сиёсий ахборотчилар, агитаторлар КПСС Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг материалларини, Совет давлатимиз Асосий Қонунининг ҳар бир қоидасини ҳар бир меҳнатчининг қалбига етказмоқдалар.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан қарийб 900 киши 38 та халқ сиёсий мактабларининг тингловчилари бўлишди. Бу мактаблар партия Марказий Комитети 1977 йил май Пленумининг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу пленумда қилган доклади қоидалари ва хулосаларини, СССРнинг янги Конституциясининг лойиҳасини чуқур ўрганиш мақсадида бирлашма партия комитетининг ташаббуси билан тузилди. Бирлашма коммунистлари партиянинг энг муҳим ҳужжатларини пропаганда қилишнинг ана шундай формасига биринчи марта мурожаат қилаётганлари йўқ. Бу ерда икки йил муқаддам тузилган халқ сиёсий мактаблари яхши ишлайди. Ўша пайтда бундай мактабларда неча юзлаб ишлаб чиқариш ходимлари КПСС XXV съезди материаллари билан, ўнинчи беш йиллиқда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари билан атрофлича танишган эдилар.

Халқ сиёсий мактабларига раҳбарлик қилиш учун партия комитети тажрибали пропагандистлар ва сиёсий ахборотчиларни ажратди. Улар зарур адабиёт билан таъминландилар. Махсус справочник тайёрланди. Бу справочникда ҳозир амалдаги СССР Конституцияси қабул қилингандан кейин ишлаб чиқариш коллективи ҳаётида рўй берган ўзгаришлар акс эттирилди.

«Устюрт» совхози Нукус Давлат университети, Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон филиали, автоном республика ижодий союзлари бирлашган агитгруппаси маршрутининг биринчи пункти бўлди. Ўқитувчилар, олимлар, ёзувчилар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига, СССР Конституциясининг лойиҳасига бағишлаб, «катта йўл босқичлари» мавзуида бир қанча доклад ва суҳбатлар тайёрладилар.

Бирлашган агитколлектив ўз сафарини Қорақалпоғистондаги энг олис қоракўлчилик хўжалигидан бошлаб, Орол бўйи шоликорлари ва Эллиққалъа пахтакорлари, Устюрт оловкорлари ва геологлари, Орол балиқчилари хузурида, Қорақумдаги олис узоқ яйловларда бўладилар. Олимларнинг Совет давлати Асосий Қонунининг лойиҳаси тўғрисидаги, Қорақалпоғистонда илм-фаннинг қарор топиши ва ривожланиши ҳақидаги дастлабки лекция ва суҳбатлари тингловчиларда зўр қизиқиш уйғотди.

(ЎзТАГ).

170-техника билим юрти ўқувчилари шу кунларда ишлаб чиқариш практикаларини қурилаётган Тошкент метросида ўтказмоқдалар. Мазкур ўқув даргоҳида метрополитеннинг бўлажак машинист ёрдамчилари, электр монтёрлари, алоқа ходимлари, слесарлар, ремонтчилар, станция навбатчилари тайёрланмоқда. Суратда: ўқувчилар Тошкент метрополитени депосида.

Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон механизаторлари ўзларининг шонли меҳнатлари билан доврўғ қозонмоқдалар. Ўтган йили улар катта жасорат кўрсатдилар. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ишлаб чиқаришда катта ютуқларни қўлга киритдилар.

Яқинда Москвадан хушхабар келди. Бунда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчи ва хизматчилари касаба союзлари марказий комитети, СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси томонидан уюштирилган механизаторлар конкурси якунланганлиги ҳамда бу беллашувда республикамиз механизаторларидан 217 киши ғолиб деб топилганлиги хабар қилинади. Улар ўтган йилги терим мавсумида энг юксак меҳнат унумдорлигига эришдилар, техниканинг яхши ҳолатда сақланишини таъминладилар.

Ғолиблар орасидан ўн киши СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг олтин медалига сазовор бўлиб, қимматли совға — «Москвич» автомашинаси билан тақдирланди. Иягирма саккиз механизаторга эса меҳнатдаги энг яхши намунаси учун мамлакатдаги пансионатларда дам олишга йўлланма бериладиган бўлди. Қолган ғолиб механизаторларга ҳам шу хилдаги мукофотлар тақдим этилади.

Бу йил республикамиз механизаторлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилиб, меҳнатда янада катта ютуқларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

ЧОДИР

Дарёдай ёйиқ зангори канал даштнинг бўлик сийнасини шамширдай тилиб ўтган. Қирғоқда ойна-бетондан қурилган кўркам бино — Қарши чўлқуварларининг музейи. Бепоён мамлакатимизнинг турли бурчаклари ва хориждан келган сайёҳлар чўлнинг ўтмиши ва ҳозири билан танишиб юришибди. Уларнинг орасида ўғлиникига меҳмон бўлиб келган эски чўлқувар — ота-она ҳам бор. Улар қирғоқни айланиб юрганда сайёҳларга кўзлари тушиб, бу ерга улар билан бирга киришган. Ана, иккининг ҳам сочлари оппоқ, юз ва пешаналарида ажинлар. Бироз шишиқираган қовоқлари орасидаги кўй кўзлари паришон. Улар бу ерда ёшликлари, ўт-олов ёшликлари билан қайта учрашди, иккови ҳам ўз фикрлари билан банд. Вақтнинг одимлари шиддатли, тезкор: ана шу узунқудуқдан сув тортиб ичишган занжир-челак, меш, чиғириқ, кетмон, замбил, ҳатто кичик чўмичли биринчи экскаваторгача.. кечагина чўлқуварларнинг ҳаётий зарур буюмлари, иш қуроллари эди, бугун эса музейбоп экспонат бўлиб қолибди.

— Мана бу чодирга қаранг, даштнинг биринчи манзили бўлган. Шу чодирда биринчи тўй бўлган, чўлнинг биринчи фарзанди ҳам шу чодирда дунёга келган. Ҳозир у йигит Толимаржон сув омборини қуряпти, мамлакатда донғи кетган экскаваторчи, — деди экскурсия раҳбари, ёшгина кўзойнакли жувон. Йигитнинг ота-онаси, бу чодирнинг биринчи эгалари тўғрисида эса лом-мим демади. Лекин ўғлининг номини эшитганда орқаросда келаётган эр-хотиннинг юзлари юмшаб, иккови ҳам севинчдан бир энтикишди.

Сайёҳлар тилларда достон бўлиб, чодири, суратлари музейга қўйилган биринчи чўлқуварларнинг буюмларини ҳавас, нега биз ўша даврда туғилмадик, деган бироз ҳасад билан томоша қилишди-ю, орқаларидан эргашиб келаётган чол-кампирга парво ҳам қилишмади: улар фақат ҳаётдан кўз юмиб кетган қаҳрамонлар тўғрисида афсоналар тўқилади, фақат ўшаларнинг нарсалари музейларга қўйилади, деган ақидага кўникиб қолишган, ёнларида тирик қаҳрамонлар юрганини хаёлларига ҳам келтиролмасдилар.

Сайёҳлар қўшни залга ўтиб кетишди. Эр-хотин чодир олдида анча туриб қолишди. Кекса аёлнинг кўзларида шўх, ширин бир ифода балқиди.

— Эсингиздами, — аёл энгашиб, эрининг қулоғига пичирлади, — никоҳ кечамиз бўрон увиллаб, гирдиқодлар чодирни силкитиб, қумга кўмиб кетгани?

Эркак хотининнинг оппоқ бўлса-да, ҳали ҳам ёғғон, узун икки ўрим сочига ғурур, ҳавас билан меҳри товланиб қаради.

— Эсингдами, қиш чилласида тунда сочинг чодир брезентига, ҳу ана ўша жойига муз қотиб ёпишиб қолгани? Тонгда «керосинка»да сув иситиб, эритиб олган эдим. Керосинкамиз кичрайиб қолгандайми, ё бошқасини қўйишибдими?

— Ўша, — деди хотини ишонч билан. — Унинг ҳидини мендан кўра камроқ ютгансиз-да, эсингиздан чиқибди...

Қўшни зал эшигида кўзойнакли жувоннинг боши кўриниб, тақдидли товуши эшитилди:

— Ўртоқлар, орқада қолмай, ҳамма билан баробар юрингларр!

ЭСКИ ТАНИШЛАР

Умархўжа даштдаги Тўқбой қишлоғидан чиқиб кетганида мўйлаби эндигина майсалаган хивчидай йигитча эди. Олдин пойтахт Самарқандда , кейин Москваларда ўқиб, лак-лак китобларни вараклаб/ саҳроларда чанг ютиб, тажрибалар ўтказиб, катта олим, академик бўлди. Мана шу дарёдай каналнинг Амударёдан чўлга оқиб ётишида унинг ҳам улуши бор. Мана энди домла қадрдон даштни айланиб, янги экинзорларни кўриб, хиралашган кўзлари қайта равшанлашгандай севиниб юрибди. Тўртта янги «Волга» Жайхун сувини қирқ қаватли уйдек баландликка кўтариб бераётган олтита қудратли насос станциясидан бирининг якинига бориб тўхтади. Домла машинадан тушиб, воҳанинг казо-каларидан куршовида тўғон кўпригига кўтарилаётганида темирйўлчиларникидек оппоқ, ихчам ҳужрада ҳушёр турган коровул уларнинг йўлини тўсиб чиқди:

— Тўхтанг, ўртоқлар. Бу ёққа ўтиш мумкин эмас!

Қорин солиб, қадди бироз чўккан Умархўжа домла, агар калта соқоли демаса, йигитчадай ихчам, котма, елкасидаги милтиғи ўзи билан бирга туғилгандай, қадди-бастига қўйиб қўйгандай ярашган ҳушёр бу чолга узоқ тикилиб қолди. Бир нарсани эслагандай, шишиқираган салқи қовоқлари орасидаги ақлли қўй кўзларини очиб юмди, яна очди. Оппоқ ингичка қўлларини чўзди:

— Тўхта, ғўхта, Асқарбек эмасмисан?

— Худди шундай, — коровул ёшига номуносиб бир чақонлик билан қаддини гоз тутиб, кирза этиги пошналарини бетон йўлакка «тўқ» уриб қўйди.

— Мани таниялсанми?

— Худди шундай!

— «Худди шундай» дегин. Пенсияга чиқиб ҳам ишлаяпман, дегин. Яхши. Ўша 20-йилларда ҳам кишлок кўчаларидан худди шундай тўппонча тақиб ўтардинг.

— Худди шундай!

— Ўшанда ҳам топган гапинг: «Худди шундай» эди.

— Худди шундай! Постдаги одамни чалғитманг, ўртоқ!

Кўчадан ўтаётганингда каттакичик тўппончангни бироз ҳадиксираб, ўзингни эса ҳавас, ҳурмат билан кузатишарди, эсингдами?

— Худди шундай! Агар мен ўшанда тўппонча билан ҳушёр юрмасам, сен бундай олим ҳам бўлмасдинг, даштларимиз бундай яшнамасди ҳам. Қанча ғаламислар оч қашқирдай кўз олайтириб юрган эди юртимизга!

Олим эл-юртимизнинг бу улкан ютуқларида Асқарбекдай камтар, ҳушёр, милтикли кишиларнинг қиссаси ўзиникидан кам эмаслигини тушунади:

— Ке,— домла эски қадрдонига қучоқ очиб борди, — бир ўзимизча кўришайлик.

— Йўқ! — деди коровул кутилмаган бир қатъияткорлик билан гоз туриб. — Хозир мумкин эмас, хизматдеман. Ишдан кейин уйга борасан, ана ўшанда қучоқлашамиз, ўпишамиз, кўкчой шимириб, гурунглашамиз.

Домла сасасини қайтарган эски қадрдонининг бу қарататидан ҳафа бўлиш ўрнига, суюнди:

— Ҳушёрлигинг, қайсарлигинг ҳали ҳам бўшашмабди.

— Худди шундай!

Самар НУРОВ.

ЮҚОРИ ҲОСИЛ УЧУН

Пахтакор граммлардан тонналар ҳосил этади. Ана шу граммларни бунёд этгунича эса она тупроққа неча бор таъзим қилади. Дастлаб эрта баҳорда — ерга чигит қадаётганида, кейин культивация чоғларида, суғоришда...

Биз сизга ҳикоя қилаётганимиз Мирзачўл районидаги Абай номли совхознинг бригада бошлиғи Расул Ҳайдаров ҳам замин билан ана шундай тиллашиб, ҳалол меҳнати билан ўз бахтини яратганлардан. У кўп йил давомида чўлда ҳормай-толмай меҳнат қилди, ғўзаларга сув таради, механизаторлик қилди. Ниҳоят у йиғриклаштирилган бригадага омилкорлик билан бошчилик қилиб, гектаридан 60 центнердан «оқ олтин»а хирмони кўтаришга муваффақ бўлди, кўксини Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Олтин юлдузи ва Ленин ордени безади.

Расул Ҳайдаров бу йил ўз бригадасини шогирдларига топшириб, қолоқ участкага ўтиб ишлай бошлади. Аввалар гектаридан нари борса 24 центнердан ҳосил олишган бригада ерларидан 50 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилди.

Н. ПОМЕНСКАЯ.

СОҲИБКОРЛАР ТОРТИҒИ

Яккабоғ районидаги «Яккабоғ» боғдорчилик совхози соҳибкорлари олманинг эртапишар навларини териш ва мамлакатимизнинг саноат шаҳарларига жўнатишга киришдилар. Совхозда 200 дан знёд киши олма териш ва жўнатиш билан машғул.

Ватанимиз пойтахти Москвага, Иркутск, Свердловск, Бирабиджан шаҳарларига 450 тоннадан кўпроқ мева жўнатилди. Хўжалик деҳқонлари мева териш ва жўнатишни кун-сайин қизитмоқда. Совхоз директори Рустам Ҳакимовнинг айтишича, бу йил мева ва узум ҳар йилгидан мўл бўлди. Шунинг учун соҳибкорлар мамлакатимизнинг марказий саноат шаҳарларига 1850 тонна мева ва узум жўнатиш мажбуриятини олдилар.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

оламда нима гап

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

КУБА

Куба пойтахтида социалистик мамлакатлар «космик физика» ишчи группасининг навбатдаги кенгаши бўлиб ўтди.

Бу группа «Интеркосмос» программаси бўйича космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилади. Кенгашда Болгария, Венгрия, ГДР, Куба, Монголия, Польша, Руминия, Совет Иттифоқи ва Чехословакия делегациялари қатнашди.

Кенгаш иштирокчилари 1977-1980 йилларда космик физика соҳасида ҳамкорликни янада кучайтириш планларини қараб чиқишга катта эътибор бердилар.

ВЬЕТНАМ

Вьетнам пойтахтидаги миллий кутубхонанинг кенг ва ёруғ залларига ҳар куни юзлаб китобхонлар келишади.

Булар орасида олимлар ва студентлардан ташқари, китоб мухлислари — ишчилар ва хизматчилар ҳам бор.

Шу кунларда ўзининг 20 йиллигини нишонлаётган кутубхонада 1 миллион жилддан кўпроқ китоб сақланмоқда. Булар орасида Маркс, Энгельс, Ленин, Хо Ши Мин асарлари бор. Ҳукуматнинг қарорига мувофиқ яқин 10 йил мобайнида китоб сақланадиган фойдали жойлар 6 баравар кенгаяди, китобларнинг умумий сони эса 5 миллион нусхадан ошади.

ЮГОСЛАВИЯ

Биринчи ярим йиллик топшириқларини муваффақият билан бажарганликлари тўғрисида Югославия корхоналари ва қурилишларидан янги-янги хабарлар олинмоқда.

Матбуотда эълон қилинган маълумотларга қараганда, шу вақт ичида саноат ишлаб чиқариши 11 процентдан знёд кўпайган.

СССР учун масъулиятли буюртмаларни бажараётган корхоналарнинг коллективлари муваффақият билан ишламоқдалар. Кралевицадаги кемасозлик корхонасида Советлар мамлакати буюртмасига мувофиқ қурилаётган кемалар сериясидаги охирги юк ташувчи кема қурилиб бўлди. Югославиядаги «Прва петолетка» ва «Ивола рибар» сингари илғор корхоналарнинг ишчилари совет металлургия корхоналари учун асбоб-ускуналар тайёрлашга киришдилар.

Йилнинг биринчи ярмида Югославия меҳнаткашларининг эришган ютуқлари беш йиллик иккинчи йилининг топшириқларини муваффақиятли бажариш гаровидир.

ЧССР

ЧКП XV съезднинг қарорлари ҳамда навбатдаги олтинчи беш йиллик план директиваларига мувофиқ бутун мамлакатда янги тош йўллар қуриш, мавжуд йўлларни кенгайтириш ва янгилаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

ЧССРда йўлларни кўпайтириш ва кенгайтиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган программасига мувофиқ 1990 йилгача 1300 километрга яқин янги тош йўллар фойдаланишга топширилади.

БОЛГАРИЯ

Шу беш йиллиннинг охирига борриб Болгарияда ҳар йили ўрта ҳисобда 670 минг тонна гўшт етиштирилади.

Давлат, шунингдек 2.500 миллион литр сут, 36 минг тонна жун олади. Қишлоқ хўжалигининг умумий маҳсулотида чорвачилик салмоғи 39 процентдан 46 процентга кўпаяди. Планга мувофиқ қорамоллар сони 1980 йилга борриб 350 минг, қўйлар 2 миллион, чўчқа 2,5 миллион бош кўпаяди. Чорва молларни бўрдоқига боқишнинг саноат методи кенг жорий этилади.

ГДР

Магдебург округининг Цилитце шаҳридаги комбинат ҳар йили ГДРда ишлаб чиқарилаётган калийнинг 25 процентини бермоқда.

Комбинат бундан 4 йил илгари ишга туширилганди. Шу вақт ичида республиканинг энг замонавий ва серунум корхоналари қаторига қўшилди.

Цилитце ГДР, Польша, Совет Иттифоқи ва Чехословакия мутахассислари томонидан шундай объектларни қуришда қўлга киритилган энг яхши иш усулларини қўлланиш тажриба майдони бўлиб қолди.

Цилитцедаги улкан корхона ГДРда калий индустриясининг саноат қувватини анча кўпайтирди. Ҳозирги вақтда республика минерал ўғит етиштириш учун қимматли хом ашё ҳисобланган калий ишлаб чиқаришда жаҳонда олдинги ўринлардан бирини эгалламоқда. Комбинатнинг маҳсулоти кўпгина социалистик мамлакатларга юборилмоқда.

(ТАСС).

ЮКСАК БАҲО

Боготада ўтказилган матбуот конференциясида Колумбия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Хильберто Виейра биз, Колумбия коммунистлари Совет Иттифоқининг жаҳонда ўйнаётган ролига, унинг янги урушга йўл қўймасликни кўзда тутган сиёсатига, ўз тақдирини ўз қўлига олишга қарор берган халқларни астойдил қўллабқувватлаётганлигига, унинг жаҳон коммунистик ҳаракатига қўшаётган назарий ва амалий ҳиссасига юксак баҳо берамиз. деди

(ТАСС).

ҲАМКОРЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи доимий Совет—Сурия комиссияси тузилган кунга беш йил тўлди. Ҳукуматлараро ана шу органнинг ташкил этилиши ҳар икки мамлакатнинг кўп соҳалардаги ҳамкорлиги тез ўсиб, кенгайиб борганлиги билан, савдо-сотиқ ва хўжалик алоқаларига доир масалалар юзасидан доим маслаҳатлашиб туриш зарурлиги билан боғлиқ эди.

Икки дўст мамлакат халқлари биргаликда қилаётган меҳнат самаралари Сурияннинг ҳамма қисмида сезилиб турибди. Фротда СССР билан ҳамкорликда қурилган гидроэнергетика комплекси мамлакатнинг саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий энергетика базаси бўлиб қолди.

(ТАСС).

НЕФТЬ УЧУН КУРАШ

Англиянинг илгари Британия Гондураси деб аталган Марказий Америкадаги мустамлакаси — Белизда қарбий можаро хавфи туғилди.

Қўшни Гватемала ички ишларини ўзи бошқарувчи мана шу территорияга даъво қилмоқда. Гватемала режимининг бошлиғи Эухенио Лаугеруд Гарсиа агарда Белизга мустақиллик бериладиган бўлса, у қолда қуролли интервенция қиламан, деб дўқ қилди. Гватемала армиясининг қўмондонлиги Белизни куч ишлатиб қўшиб олишга тайёр эканлигини билдирди. Гватемалада резервдагилар сафарбар қилинди, Белиз чегарасига 26 мингга яқин аскар келтирилди.

Буюк Британия ташқи ишлар министрлигининг хабар беришича, Белизда «вужудга келган хатарли вазиятни ҳисобга олиб», у ерга шошилинч равишда инглиз қўшинлари юборилмоқда. Англиянинг қарбий кемалари Кариб денгизига кирди.

Обзорчиларнинг фикрича, Буюк Британия билан Гватемала ўртасидаги ихтилофга, жумладан, Белизда бой нефть конлари топилганлиги сабаб бўлди. Бундан ташқари, Белиз каучук ишлаб чиқарувчи катта райондир.

(ТАСС).

ХАТАРЛИ СИЁСАТ

Қўшма Штатлар Эронга энг янги қурол-яроғларни етказиб беришни кенгайтирмоқда.

«Вашингтон пост» газетасининг хабар беришича, Пентагон бу мамлакатга энг замонавий электрон асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Боинг-707» самолётларидан бир туркумини сотиш ниятида эканлиги тўғрисида конгрессни хабардор қилди. Бу самолётлар разведка маълумотларини тўплаш, қирувчи ва бомбардимончи самолётларни ердаги ва ҳаводаги нишонларга йўллаш учун хизмат қилади. Самолётларнинг қиймати 1 миллиард 230 миллион доллар.

Пентагоннинг аслаҳахонаси Эрон учун кенг очиб қўйилди. Эрон 1977 йилга қадар Қўшма Штатлардан 300 дан кўпроқ «Ф-4 Фантом» қирувчи-бомбардимончи самолётлар, 80 та «Ф-14 Томкэт» қирувчи самолётлари, «Ф-5» қирувчи самолётларнинг катта туркумини, кўп миқдорда вертолетлар, сув ости кемалари, қарбий кемалар ва бошқа жуда кўп қарбий техника ва аслаҳа-анжомларни сотиб олди. Эрон кейинги 4 йил мобайнида ҳаммаси бўлиб Америкадан 10 миллиард доллардик қурол-яроғ сотиб олди.

Эронда Америка ҳарбий хизматчилари сони ҳам тобора кўпаймоқда. Сўнгги маълумотларга қараганда бу ерда 24 мингдан ортиқ Америка ҳарбий хизматчиси бор. Америка матбуотининг ҳисоблаб чиқишича, 1980 йилга борриб, Эрондаги Америка хизматчилари 50—80 минг кишига етади.

Оқ уй билан Пентагоннинг бундай сахийлиги бежиз эмас. Америка газеталари кўп вақтлардан бери Эронни «мураккаб стратегик вазиятда АҚШнинг айниқса яқин ва ишончли иттифоқчиси», деб ёзмоқдалар.

Яна бир нарса ҳам аён: Пентагон стратеглари радиотехника воситалари ва фоторазведка ёрдами билан Эронга қўшни давлатлар тўғрисида разведка маълумотларини тўплаш учун Эронни қулай майдон деб биладилар. «Боинг-707» самолёти, жумладан, шундай ишларни бажариши мумкин.

Эронга яна энг янги қуроллар юборилиши тўғрисида Пентагоннинг берган хабари Америка Қўшма Штатлари конгрессида кескин танқид қилинди. Сенаторлардан Жон Калвер ва Томас Иглтон «бу аҳвол шу районда кучлар нисбатини муқаррар бузади, бу ерда қуроллариш пойгасининг кучайиб кетишига сабаб бўлади», деб айтди.

Америка газеталари Эронга замонавий қарбий самолётларнинг сотилиши АҚШ президенти Ж. Картернинг Америка қурол-яроғларини чет элларга юборишни камайтириш учун курашиш ниятида эканлиги тўғрисидаги сўзларига хилофдир, деб уқтириб ўтади. Президент ўз сўзларини ҳозирча амалий иш билан тасдиқлагани йўқ ва АҚШ ҳар йили қарийб 10 миллиард доллардик қурол-яроғ сотиб, жаҳонда қурол-яроғ етказиб берувчи энг катта мамлакат бўлиб қолмоқда.

(ТАСС).

СПОРТ

БУТУНИТТИФОҚ ЁШЛАР ЎЙИНИ

Бутуниттифоқ ёшлари II-спорт ўйинлари Москва, Минск ҳамда Киев шаҳарларида давом этмоқда. Белоруссия пойтахтида спорт ўйинларининг тантанали очилиши маросими ўтказилди. Мусобақалар кун сайин қизғин тус олмоқда. Баскетбол, волейбол, сув тўпи, камондан отиш, эркин ва классик кураш бўйича баҳслар ниҳоясига етди. Ҳозирча команда ҳисобида РСФСР, спорт жамиятлари орасида динамочилар пешқадам бўлиб туришибди.

КУРАШ. Минскда классик кураш бўйича беллашувлар тугади. Ўзбекистонлик полвонлар команда ҳисобида олтинчи ўринни эгаллашди. 82 килограмм вазнли полвонлар орасида Р. Шишаловский фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, кўксига кумуш медаль тақди. Яна бир вакилимиз —С. Подокшик 100 килограмм вазнли полвонлар билан беллашиб, мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлди.

ЧАВАНДОЗЛИК. Киевда чавандозлар ўзаро куч синашдилар. Тўсиқларга от солиш мусобақасида В. Панурин (РСФСР) биринчиликни эгаллади. Республикамиз чавандози А. Ахметшин эса ўзининг «Артист» лақабли арғумоғи билан иккинчи фахрли ўринга кўтарилди.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

ФУТБОЛ. Тунисда ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати баҳсларида совет терма командаси зафар қучди. Ўсмирларимиз ҳал қилувчи учрашувни мексикалик футболчилар билан ўтказиб, устунликка эришдилар. Учрашувнинг асосий вақтида ҳисоб 2:2 бўлиб тугади. Қўшимча ажратилган вақтда ҳам ҳисоб дурангдан нарига ўтмади. Кейин 11 метрлик жарима тўплари тепилди. Бунда совет футболчилари дарвозани аниқ нишонга олиш бўйича маҳорат кўрсатдилар. Шундай қилиб, ўсмирларимиз жаҳон чемпиони номига сазовор бўлдилар. Мексикаликлар кумуш, бразилияликлар бронза медалини қўлга киритдилар.

ЯРИМ ФИНАЛЧИЛАР

Биллур соврин — мамлакат кубоги учун курашнинг чорак финаль учрашувлари ўтказилди. Бунда москвалик торпедочилар иккинчи лига вакили — киевлик армиячиларни қабул қилиб, дарвозага ягона тўп киритиш билан муваффақият қозондилар. Пойтахт динамочилари эса, киевлик ҳамклубларини қабул қилишди. Бу учрашувда меҳмонлар дарвозасига жавобсиз учта тўп киритилди. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси эса, Ворошиловград-нинг «Заря» футболчилари меҳмони бўлдилар. Бу ўйинда майдон эгалари бир тўп киритиш билан устун келдилар. «Зенит»— «Шахтёр» учрашуви 1:1 ҳисобида тугаб, 11 метрлик жарима тўплари тепиш бўйича ленинградликлар (4:3) ғалаба қилдилар. Шундай қилиб, ярим финалда пойтахтлик динамочи, торпедочи ҳамда «Заря» ва «Зенит» футболчилари учрашадиган бўлдилар., 1 августга мўлжалланган ўйинда қайси командалар ўзаро куч синашиши бугун қуръа ташлаш билан аниқланади.

ФАРҒОНА АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Республика пойтахтида М. Горький номли Фарғона область ўзбек музикали драма ва комедия театрининг Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган гастроллари бошланди. Бу гастроллар Ватан учун жанг қилган комсомол аъзоси Зилола ҳақида ҳикоя қилувчи «41-йил қизи» музикали драмаси билан бошланди. Театрнинг ёш артисти Мавлуда Шомуродова Зилола ролини ижро этди.

Тошкентликлар Фарғона артистларининг ижросида Н. Гоголнинг «Ревизор» комедиясини, А. Кодирийнинг «Ўтган кунлар» драмасини, Шукруллонинг «Тўйдан кейин» комедиясини, М. Мирзоеванинг «Сўнгги фожиа» музикали драмасини томоша қилишлари мумкин.

Театр коллективи Тошкент областидаги хўжаликларда бўлади. [ЎзТАГ].

Х халқаро кинофестивалда

ЭКРАН КУРАШМОҚДА, ФИКР ЮРИТМОҚДА

Хаяжонланмай кўриб бўлмайдиган фильмлар бор: бу фильмлар киши қалбини ларзага келтиради. 9 июль куни Х Москва Халқаро кинофестивалининг конкурс экранида кўрсатилган «Чилида тун» (СССР) картинаси ҳақиқатан ҳам айни шундай асарлар қаторига киради. Уни чилилик ёш кинематографчи, Бутуниттифоқ давлат кинематография институтини яқинда битириб чиққан Севастьян Аларкон совет режиссёри Александр Косарев билан ҳамдўстликда «Мосфильм»да яратган.

— «Чилида тун», — дейди С. Аларкон, — менинг мамлакатим фожиаси тўғрисидаги, энг ашаддий террор ҳам руҳини синдира олмайдиган Чили халқи ҳақидаги ҳикоядир. Биз азоб-уқубат ва кураш далили бўлмиш фильмимиз озодлик учун курашда қурол бўлишига, ғалаба дамларини яқинлаштиришга ёрдам беришига интилганмиз. Мен бу фильмни суратга олмаслигим, ватандан олисда бўлган ҳолда ўз халқимнинг тақдирига бефарқ қараб туришим мумкин эмас эди. Картина Совет Иттифоқида бунёдга келтирилганлиги ва у бугун Москва фестивалида кўрсатилаётганлиги —совет кишилари Чили ватанпарварларининг қаҳрамонона кураши билан бирдам эканликларининг яна бир далилидир.

Чили Компартиясининг Бош секретари Луис Корвалан лента билан танишиб чиққанидан кейин картина воқеаларни ҳаққоний равишда акс эттиради, хунтанинг ўзбошимчаликлари, фашист зиндонларининг даҳшатлари тўғрисида томошабинга тўғри тасаввур беради, деди. Уни ҳатто таржима қилмаса ҳам барча қитъалардаги софдил кишилар тушунавериш-ларига ишонаман.

Лента ҳужжат, репортаж услубида суратга олинган. Молдавиялик актер Григорий Григориу бош ролни ўйнаб, чилилик мард ватанпарвар образини яратган.

Шу куни конкурсда Эрон режиссёри Парвиз Сайёднинг ҳозирги буржуазия жамиятида шахс проблемасига бағишланган «Тупик» деган рамзий бир ном билан аталган лентаси кўрсатилди.

Бадиий фильмларнинг конкурс кўриклари энди иккинчи кун давом этяпти. Томошабинлар келтирилган 36 та картинанинг олтитаси билангина танишдилар. Лекин Москва кино кўригида қатнашаётган прогрессив кинематографчилар диққат марказида замондошларни тўлқинлантирувчи актуал проблемалар турибди, деб бемалол айтиш мумкин.

М. РОЖДЕСТВЕНСКАЯ, Е. ХОРЕВА, ТАСС мухбирлари.

УЧ МИНГ ЙИЛЛИК ЁЗУВ

Стенография ёзув сифатида бундан қарийб уч минг йилча аввал вужудга келган. Стенография ибораси юнонча «Стене» (тор, қисқа, ихчам) ва «графия» (ёзиш) — тез ёзиш деган сўздир.

Стенография белгилари дунё тиллари учун умумийдир. Фақат ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусияти ва ундаги ҳар бир фонеманинг оз ёки кўп учрашига қараб белги танланади. Ҳар қандай ёзувнинг мақсади инсон фикрини ёзиб олишдир. Стенографиянинг вазифаси нотиқ нутқини сўзма-сўз, бирор сўзини тушириб қолдирмасдан, тўлиқ ёзиб олишдан иборатдир.

Ҳар бир ёзув ўзининг вужудга келиш ва тараққиёт даври тарихига эга бўлгани каби стенография ҳам ўзининг вужудга келиш ва тараққиёт даври тарихига эга. Ёзувлар тарихига мурожаат қилсак, оддий ёзувимизнинг ўтмишдаги тараққиёт жараёнлари стенографияда ҳам такрорланган.

Стенография бошқа ёзувлар сингари ўз тараққиёт жараёнида оддий ёзувимиз каби турли босқичларни ўтди. Шакл, идеографик ёзувлари, луғавий ва бўғин белгилари сифатида бўлишдан ташқари стенография, тахиография ва пиктография даврларини ҳам кечирди, сўнгра стенографиянинг такомиллашуви натижасида фонетик системага ўта бошлади. Аслида стенография системаси: маълум тилнинг ўзига хос фонетик ва луғавий хусусиятларини эътиборга олган ҳолда белгилар танлаш, айрим якка сўзларни, ҳатто уч-тўрт ва ундан кўпроқ сўзлар бириктмасини (фразеограмма)ни қисқартириш тартибидир. Шунинг учун у грамматика категориялари билан боғлиқ бўлиши шарт. Стенография системалари турли даврда, турли мамлакатларда юзага келгани учун ҳам турлича аталган. Бу термин-ибораларни инглиз геометрик стенография системасининг муаллифи, стенограф Дж. Уиллас 1602 йилда жаҳондаги барча тилларда бир умумий ибора билан аташ мақсадида юнонча «стенография» сўзини қабул қилади ва бу ибора шу даврдан — XVII асрнинг бошларидан бошлаб бутун дунёда қўлланилади.

Россияда ижтимоий ҳаёт ўсиши билан стенографияга ҳам эҳтиёж туғилди. Ҳатто XV-XVI асрларда Новгород ва Псковда катта давлат мажлисларида сўзга чиққан нотиқларнинг сўзлари стенография билан ёзиб олинган. Шу муносабат билан Россияда стенографияга бўлган талаб ўса бошлайди ва стенография системалари ҳам кўпаяди. Стенография системалари 120 дан ҳам ошиб кетади. Рус тилининг миллий хусусиятларига жавоб берадиган системалар кам эди. Шунга қарамасдан рус тилида биринчи стенография китоби 1820 йилда Петроградда чоп этилди, унга биринчи обуна бўлганлар сафида А. С. Пушкин, А. С. Грибоедов ва бошқа илғор кишилар бор эди. Кейинроқ, рус тилининг хусусиятларига жавоб берадиган стенографияга эҳтиёж туғилгач, биринчи бўлиб М. И. Иванин ўзининг «Стенография ёки тез ёзиш санъати ва уни рус тилига татбиқ этиш» деган китобини нашр этишга муяссар бўлди. Шундан кейин стенография ҳамма томондан тез ёзув сифатида танилди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси стенография таълимининг равнақи учун ҳам катта йўл очди, рус тилининг миллий лингвистик хусусиятларини ҳисобга олган стенография системалари яратила бошланди. Шулардан илмий асосда тузилган профессор Н. Н. Соколовнинг системаси Давлат бирлашган стенография системаси (ДБСС) га асосланиб СССРда фақат биргина ДБСС (ГЕСС) ягона давлат стенография системаси жорий қилинди.

Миллий республикаларда ҳам стенография пайдо бўла бошлади. Ўзбекистонда 1925-1926 ўқув йилида дастлаб немисча системанинг рус тилига татбиқ этилган нусхасидан фойдаланилган эди.

1937 йилда Давлат бирлашган стенография системаси Иттифоқимизда биринчи бўлиб ўзбек тилига татбиқ этилди. Давлат бирлашган стенография системаси бўйича тузилган биринчи дарслик СССР Фанлар академиясининг Совет Иттифоқи халқларининг тили ва ёзувларини илмий-текшириш институти томонидан маъқулланди ва 1939 йилда нашр этилди, иккинчи дарслик — 1952 йилда чоп этилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда 1937 йилдан бўён қирқ йил давомида Давлат бирлашган стенография системаси ишлаб турибди.

Ўзбек тили учун тузилган Давлат бирлашган стенография системасининг афзаллиги нималардан иборат? Биринчидан, у ўзбек тилининг ҳамма лингвистик, фонетик ва лексик хусусиятларига мос қилиб тузилган ва Ўрта Осиё халқларининг тилларини ҳам назарда тутган. Иккинчидан, ўзбекча ДБССни билган киши стенографияни рус тилида ўрганиши мумкин.

Умуман, стенографиянинг, хусусан, ДБССнинг жамиятимизда тутган ўрни, айниқса, лингвистика фани сифатидаги роли беқиёс.

В. И. Ленин стенографияни давлат аппаратини ихчамлаштириш омилларидан бири деб баҳолаган эди. 1925 йил март ойида Москвада ўтказилган стенографларнинг биринчи конференциясида М. И. Калинин: «Стенография ходимлари — бизнинг энг яқин ёрдамчиларимиздир», — деган эди.

Бизнинг республика стенография ва машинада ёзув курсимиз ўз фаолияти даврида жуда кўплаб секретарь стенографистка ва машинисткалар тайёрлаб берди. Дарслар ҳозир ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Корхоналарда икки-уч сменада ишловчи ёшлар учун ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда икки сменада ўқиш учун барча шароитлар яратилган. Республикамизнинг шундай кадрларга бўлган талабини тезроқ таъминлаш мақсадида йилига икки марта ўқувчилар қабул қилинади.

Ўқитувчиларимизнинг малакасини ошириш учун доимий семинар курслари стенография, машинада ёзув ва иш юритиш фанлари бўйича ўтказиб турилади. Секретарь стенографистка ва машинисткаларнинг малакасини аниқлаш учун СССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитети ушбу кадрларнинг малака характеристикаларини тасдиқлади. Бундай малакани аниқлаш кадрларимизда иш сифатини ошириш ва масъулиятни ҳис қилишга ўргатади.

М. МУРОДОВ, Республика стенография ва машинкада ёзув курсининг директори.

ФОТОЛАВҲАЛАР

Саратон кезлари ҳам баҳаво тоғ бағрлари, юксалликдаги даралларда ҳаво салқин ва намхуш бўлади. Шу кунларда Чимён тоғи ғиқтида момиқ қорга дуч келиш мумкин. Тоғ чанги ихлосмандлари эса, йил бўйи машқ қилишда бундай табиий имкониятлардан фойдаланишмоқда. Суратларда: Республика тоғ чанги федерациясининг аъзолари машқ пайтида. Тоғлар қўйнидаги табиат бойликлари доим муҳофаза қилиб турилади. Қўриқхона директори, республикада хизмат кўрсатган ўрмончи В. Хўжаев бундай ишларда кўпчиликка ибрат кўрсатмоқда. Тоғларда дов-дарахтлар нисбатан суст авж олади. Сиз кўриб турган арча дарахти уч йилдан бери нўхариб турганига ишониш қийин. Лолалар эса, июнь-июль ойларида қийғос гуллайди.

М. Штейн ва Ю. Богданов фотолари.

КЎРИНГ БИЗНИНГ ФЕРМАНИ...

Фельетон

Бўлмас иш бўлди. Норпошша момо умрида бировни ранжитган эмасди. Аммо бу гал шайтон йўлдан урдими, қайсарлиги тутдими, жаҳлини босолмади. Кап-катта одамни ҳафа қилди.

Ферма мудири Қуронбой Мадёровни танимаган ким бор? Шундай машҳур кишини-я. Ахир, у чакана мудирлардан эмас-да! Иш ташлаб йигирма йилга борибқолган. Чорванинг аччиқ-чучугини ҳам, сут-қаймоқнинг маззасини ҳам татиб кўрган. Тажрибали одам. Келиб-келиб Норпошша кампир ўша муҳтарам зотнинг дилини ғаш қилганига қаранг.

Воқеа бундай бўлганди: гапнинг хонаси келиб, Норпошша момо эчкисини мактаб қолди. «Ўлмасин, жонивор, кунига бир кўза сут беради. Сут бўлганда ҳам қуюқ, серёг», — деди у тамшаниб.

Чорвага мудир эмасми, қоларсе, сутни камайтиргани учун таъна эшитганиэшитган, кампирнинг гапи Қуронбойга киноядек туюлди:

— Ҳадеб, эчкингни мактайверма, кампир. Бир кўза эмиш! Қўй кўрмасак ҳам қий кўрганларданмиз. Сен айтган бир кўза сутни сигирдан ололмаяпмиз-ку, яна...

— Олишинг қийин ҳам. Мол ўт-емга ёлчимаса, кўза тугул. коса ҳам сутга тўлмайди. Мен эчкимни тўйдирмасам тиячим бўлмайди. Ишонмасанг, юр уйга. Чанқагандирсан, эчкининг сутига бир тўйдирай.

Қуронбойнинг жаҳли чиқди.

— Ўт-емни молга бермай, ўзим еб юрганим йўқ. Сигирлар насибасини еб турибди. Шунда ҳам сут кам. Бузоқнинг ҳиссасини қолдирамиз. Эчкини мактаб, бизга таъна қилаверма, кампир!

Кампир ҳам бўш келмади:

— Бузоққа қолдираман, де. Сигирнинг бузоғи-ку битта. Эчкини эгиз улоқлар эмади. Шунда ҳам кўзам сутга тўлаверади. Ишонмайсанми, кел, баслашамиз.

Баслашдилар. Фермaнинг уч соғувчиси гувоҳ бўлди. Кампирнинг эчкиси тўрт литр сут берди. Мудир танлаган сигирнинг сути уч ярим литрга аранг етди. Кампир яна пичинг қилди:

— Баракалла, Қуронбой ферма! Сут булоғи тошади, деганинг шумиди, иним?

Қуронбойни совуқ тер босди. Шундай қилиб, баҳсда кампир енгди, мудир енгилди. Бошқача қилиб, айтганда, сут беришда эчки сигирдан ғолиб чиқди. Ўшандан буён Қуронбой ферма кампирдан хафа. Эчкини кўрса дами ичига тушиб кетади.

Энди қиссанинг ҳиссасига қулоқ солинг. Норпошша кампир эчкиси ёнида туртурсин. Биз Гурлан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози фермасига бориб, Қуронбой Мадёровдан аҳвол сурайлик.

Мудир акамизнинг сўзларидан аён бўлдики, сут етиштиришда қануни ўзгариш ясалмаган. Масалан, кейинги беш ой мобайнида ҳар сигирдан 465 килограмм сут соғиб олинган холос. Ҳар сигирдан кунига соғиб олинган сут атиги 3 литр; яъни Норпошша кампирнинг эчкиси берган сутдан ҳам оз...

Совхоз сут етиштиришда область хўжаликлари орасида «биринчи» ўринда (оҳиридан ҳисоблаганда). Бош бухгалтер Ўрозбой Тожибоев чўт қоқиб кўриб, ҳар центнер сутнинг таннархи планда белгиланган 5 сўм ўрнига 30 сўм 90 тийиндан тушганлигини, анча иқтисодий зарар кўрилганлигини айтди.

Совхоз директори Тўлибой Матниёзов чорвачиликдаги нуқсонларни эътироф қилди-ю, эски ваъдаларни ёна бир марта такрорлади. Ферма мудири Қуронбой Мадёров унга жўр бўлди:

Сут булоғин тошириб,
Пландан ҳам ошириб,
Қайнар булоқ қиламиз!
Ҳа, биз ишни биламиз.
Ўрим-йиғимга шаймиз,
Хашакдан тоғ ясаймиз!
Техникага очиқ йўл,
Силос сероб, сенаж мўл.
Гуллатамиз чорвани,
Кўринг, бизнинг фермани!

Фермада эса оч-наҳор сигирлар тамшаниб, рационати озуқани кутарди...

Ф. ЗОҲИДОВ, «Совет Ўзбекистони» Хоразм область мухбири.

„ОЛИМПИАДА—80" ГА

Бухородаги «Октябрь 40 йиллиги» зардўзлик фабрикасининг коллективи Олимпиада—80 га аталган совғаларни чиқара бошлади. Улар орасидаги «Олимпиада» ва «Мажнун» деб ном берилган дўппиларга Москва олимпиадасининг эмблемаси сариқ ва оқ зар билан жимжимадор қилиб тикилган. Фабриканинг тажрибали ходимлари —Ўзбекистон ССР халқ рассоми Муяссар Темирова, заршунос уста Нуъмон Султонов эскизлари асосида яратилган бу янгиликлар республика конкурсида мутахассисларнинг юқори баҳосига сазовор бўлди.

Шу йилнинг ўзидаёқ фабрика 50 минг сўмликдан кўпроқ ана шундай совға буюмлар ишлаб чиқаради. (ЎзТАГ).

БУХОРО СОВҒАЛАРИ

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
ҚИБРАЙ ПИВО-АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН КОМБИНАТИ ҚОШИДА
ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
161-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—1978 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ УЧУН ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БУЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: Машина асбоб-ускуналарини созловчилар, пиво қуйиш автоматик линияларнинг машинистлари, новвойлар, аппаратчи-экстракторчилар (ёг комбинатига 10-синфни битирганлар), сигарет ва папирос агрегатларининг машинистлари (10 синфни битирганлар), кондитерлар.

ҲУЖЖАТЛАР — 1 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФНИ БИТИРГАН 15-25 ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош ва махсус иш кийимлари, ҳамда шаҳардан ташқарида яшайдиганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

10-синфни битирганларга 30 сўм стипендия берилади. Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

Ўқишни аъло битирганлар институтга йўлланма билан конкурссиз қабул қилинади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 10-СИНФНИ БИТИРГАНЛАРГА 1 ЙИЛ, 8-СИНФНИ БИТИРГАНЛАРГА 2 ЙИЛ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, характеристика, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

Медицина кўриги билим юрти медпунктида ўтказилади.

Билим юрти адреси: Тошкент область, Оржоникидзе райони, «Салор ГЭС» поселкаси (81, 62, 117-автобусларнинг «СалорГЭС» бекати).

Эслатма: нон маҳсулотлари ва аппаратчи-экстракторчилар, сигарет ва папирос агрегатларининг машинистлари учун Куйбишев районидаги 2-нон заводида (Гёте кўчаси, 52-уй) қабул ўтказилади.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги
ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ОШПАЗЛИК БИЛИМ ЮРТИ
1977—1978 ўқув йили учун
ОШПАЗ ВА КОНДИТЕРЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН ГРУППАЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ ОШПАЗЛАР УЧУН 3 ЙИЛ, КОНДИТЕРЛАР УЧУН 2 ЙИЛ.

БИЛИМ ЮРТИГА 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ЎЗБЕКИСТОННИНГ ШАҲАРЛАРИДА ЯШОВЧИ 15—21 ЕШЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқиш муддати меҳнат стажига ҳисобланади.

Ўқишни тамомлаганлар мутахассислик дипломи билан тўлиқ ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат ҳам оладилар.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Ҳар бир ўқувчига 32 сўм стипендия берилади, бошқа шаҳардан келганлар ётоқ билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, 3х4 см. ҳажмдаги 3 та фотосурат, таржимаи ҳоли, маълумоти ҳақидаги шаҳодатнома (асли), туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (асли), соғлиги тўғрисидаги справка (286-форма), турар жойидан справка, мактабдан ёки ишлаган жойидан характеристика, шаҳар савдо бўлимидан ёки ошхоналар трестидан йўлланма, ҳарбий хизматга чақирилувчиларнинг учёт гувоҳномаси ёки ҳарбий билети бўлиши шарт, ота ёки онасининг иш жойидан справка.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, «Оқтепа» массиви (12, 13, 32, 34, 36 48-автобуслар, 4, 9, 11, 15, 19, 21-трамвайларнинг «Оқтепа» бекати).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети
39-ЎРТА ҚИШЛОҚ ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1977—1978 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БУЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

3-классли трактор ҳайдовчилари (ўқиш муддати— 2 йил), **3-классли шофёрлар** (слесарь квалификацияси билан, 1 йил), **газ-электр пайвандчилар** (3 йил), **кенг профилли трактор ҳайдовчилари** (3 йил), **токарлар** (3 йил), **токарь ва фрезерчилар** (3 йил), **дурадгор-ёғочсозлар** (3 йил), **электр пайвандчилар** (3 йил), **электромонтёрлар** (3 йил).

ЎҚИШГА КИРУВЧИ ЕШЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР: директор номига ариза, паспорт (туғилганлиги ҳақида гувоҳнома),

●

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА
14, 17 июль соат 19.00 да
ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ
ИКРОМ АКБАРОВ

«СЎҒД ЭЛИНИНГ ҚОПЛОНИ»

3 парда, 9 кўринишли опера **БОТИР ЗОКИРОВ** либреттосн.

Саҳналаштирувчи режиссёр — РСФСР халқ артисти, Қирғизистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, **М. И. Глинка номидаги РСФСР Давлат мукофоти лауреати Р. ТИХОМИРОВ.**

Дирижёрлар — Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти Ф. ШАМСУТДИНОВ ва Г. ТУЛАГАНОВ.

Рассом — Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Т. ШОРАҲИМОВ.

Балетмейстер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист И. ЮСУПОВ.

Бош хормейстер — С. ШОДМОНОВ.

Хормейстер — М. ЯДРИНСКАЯ.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Муҳаббат ёзи** (катта зал), **Аёл ва иблис** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Муҳаббат ёзи — «ЧАПКА», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Кенгуру — «ҚОЗОҒИСТОН» (жуфт соатларда).

Каднинни ҳамма билади — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сиздан угина, биздан бугина — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ишлар мудирлиги ходимлари коллективи бўлим мудири ўринбосари Ҳ. А. Абдосова онаси

Нозбиби ОРИФЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг ижтимоий фанлар бўлими ва ижтимоий фанлар бўйича илмий ахборот бўлими коллективлари бўлим мудири Б. С. Маннонова отаси

Салоҳиддин МАННОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ректорати, партқоми, Маҳаллий комитети ва география факультети коллективи факультетнинг собиқ декани, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, доцент

Нуъмон Долимович ДОЛИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Союзузбекгаз» трести коллективи трест бошлиғи Н. О. Ботировга отаси

Отажон БОТИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — «Жарлик» (телеспектаклнинг 1—2-қисми). 14.50 — Ҳужжатли фильм. 15.45 — Табиат билан танишамиз. 16.05 — «Объектив». 16.35 — Концерт. 17.50— Н. Добролюбов. «Қоронғулик салтанатида ёруғ нур». 18.15 — «Қўшиқларимиз, парвоз этг!». 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.35 — Экран дўстларни чорлайди. 20.20 — «Дўстлик трассаси». 20.50 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама киламиз. 21.00 — Бизнинг биография — 1955 йил. 22.00 — «Вақт». 22.30 — «Раддия» (бадиий фильм, 1-серия). 23.40— «Рэро» эстрада оркестрининг концерти. 00.05 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.30 — Мультфильм. 18.45 — Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув. 19.15 — «Мусобақа, тажриба, ташаббус». 19.45 — «Ахборот». 20.00 — «Ёзувчи ва замон». 20.40 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг камер оркестри ижро этади. 21.00 — «Ахборот». 21.20 — М. Аҳмедова ва Н. Назаров концерти. 22.00 — «Вақт» (Москва). 22.30 — Комплекс механизация пахтачиликда бош йўналиш». 22.45 — «Ёш режиссёр: умид ва изланишлар».

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — «Истеъдодингни бил» (бадиий фильм). 20.30 — Янгиликлар. 20.50 — Физика. 21.50 — Реклама. 21.55 — Математика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада қўшиқлари. 9.30 — Халқ талантлари концерти. 11.15 — СССР Конституцияси лойиҳасини муҳокама киламиз. 12.00 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — Социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз. 13.30 — Микрофон олдида чет эл мамлакатлари артистлари. 16.10 — «Тўйғулар камалаги». Адабий эшиттириш. 17.00 — Учинчи беш йиллик йилномаси. 17.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 18.25 — Москва, Латвия ССР радиокуни. 20.20 — Сўнгги ахборот. 21.00 — Лирик концерт. 22.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Шу куннинг энг муҳим спесиа воқеалари. 22.40 — Ш. Холмирзаев. «Парчаой» (ҳикоя). 23.15 — Кечки концерт.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР. БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 03499. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 160.